



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 5-aprel, chorshanba

\* № 14 (1025)

\* 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan

\* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

\* www.hurriyat.uz

## ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Паррандачилик бўйича бугунги кунда Хитой, АКШ, Япония ва Россия олдинги ўринларни эгаллаб турибди. Айни дамда жаҳонда бир триллион 360 минг тона тухум, 296 миллион тонна парранда гўшти етиштирилади.

⇒ 5-бет

## УЛУФ МЕРОС ВОРИСЛАРИМИЗ

буюк саркарда Амир Темур таваллудига 681 йил тўлиши муносабати билан

Толени қарангки, Амир Темур мамлакат ва миллат тақдирини учун муҳим бир паллада жаҳон тарихи майдонига кириб келган. Ўз замонасига нисбатан анча илгарилар кетган буюк саркарда бўлган.

⇒ 6-бет

## ЎЗИ ҚУВНОҚ, СЎЗИ ҚАЙМОҚ "ЙИГИТ"

Кундалик саҳифаларидан:

"Носир Фозилов билан танишдим. Бу одам ниҳоятда қувноқ, ҳар бир сўзи қаймоқдек маза, ҳақиқий суҳбатдош экан. У билан ўтган вақтим зое кетмади. Нақд хазинанинг ўзи-я!

⇒ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йилнинг 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россияда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 30 март куни видеоселектор мажлис бўлиб ўтди. Унда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, коммунал, соғлиқни сақлаш соҳалари, ички ишлар тизимидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг «Газпром» компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

31 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

29 март куни «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарори эълон қилинди.



«HURRIYAT» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йуллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўлчиларнинг доимий ҳамроҳи.

## ► КУН МАВЗУСИ

Инсон ҳаёти учун энг зарур нарсалар қаторида биринчи нон бўлса, иккинчиси китобдир. Нон инсоннинг моддий эҳтиёжини қондирса, китоб маънавий бойлик, ўзликни англаш, энг муҳими инсоний тарбиянинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади. Айнан тарбиявий омилнинг китобхонлик даражаси билан боғлиқлиги мутлақо ишининг ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият учун асосий масала эканлигини англатади.



## КИТОБХОНЛИК

### заруратга айланмоғи лозим

Бу ўринда мамлакатимизда аҳоли ўртасида, айниқса ёшларда китобхонлик даражасини ошириш, тарихий хотира асосида фаровон келажакни барпо қилиш йўлида қатор тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, истиқлол йилларида миллий маънавий қадриятларни тиклаш, миллат ва халқнинг

маънавий қиёфасини шакллантириш, ўзликни англаш йўлида меҳнат қилган маърифатпарварларимизнинг ҳаёти ва асарларини ҳаққоний ўрганиш, жаҳон илм-фанидаги ютуқлардан баҳраманд бўлиш борасида олиб борилган ишлар самараси ўлароқ ижтимоий турмушимизнинг барча жабҳасида ҳаётга нисбатан қараш

ўзгарди, миллий ифтихор ва ватанпарварлик ҳисси шаклланди.

Мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил қилиш учун, аввало, ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш мақсадида «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги,

«Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда мағбаа корхоналари ва нашриётлар сонини ортиб, марказда ва жойларда замонавий технологиялар билан таъминланган ахборот-ресурс марказлари фаолияти йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб этди. Бу борадаги ютуқлар ҳақида

узоқ таъбир мумкин. Таъкидлаш жоизки, бугунги ривожланиш, янгиланиш шароитида, одамлар тафаккури ва дунёқараши ҳам ўзгариб бормоқда ва бу ўринда уларда ҳаётга нисбатан янгича талаб ва истак билан қараш кўникмасини шакллантириб бормоқда.



## “БИЙЛАСАНГ БЕК БЎЛАР...”

### ► “КАМОЛОТ” ПОЧТАСИДАН

Катта ҳаёт оstonида турган ҳар бир тенгдошимизни қайси университетга ҳужжат топширсам экан, қайси ташкилотда иш бошлаганим маъқул, деган саволлар безовта қилиши табиий. Ахир, эртанги кунимиз, келажакимиз қандай бўлиши бугун кўйган қадамимизга боғлиқ-да.

Шукри, она Ватанимиз ҳар томонлама камол топишимиз, дадил одимлашимиз учун бизни қўллаб-қувватлаб, тўғри йўл кўрсатмоқда. Ўтказилаётган давра суҳбатлари, учрашувлар, тренинглари, кўргазмалардан асосий мақсад ҳам шу, аслида. Ўтган ҳафта ана шундай хайрли тадбирлардан бири — анъанавий XVI халқаро “Таълим ва мутахассислик” кўргазмаси ва “Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда



уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш” мавзусидаги дастлабки очик мулоқот бўлиб ўтди. “Таълим ва мутахассислик” кўргазмаси уч кун давомида “Ёшлар ижод саройи”да мутахассислар ва ёшларнинг очик мулоқотида замин яратди. Ташкилотчилар — “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда “Еuroscontact” МЧЖ ҳамкорлигида уюштирилган ушбу кўргазмада ўз материаллари билан қатнашган олий таълим муассасалари, хориждаги нуфузли олий ўқув юрталари ва уларнинг Ўзбекистондаги филиаллари, хорижда таълим олишга кўмаклашувчи ташкилотлар, ўқув курслари ҳамда бандлик-

ка кўмаклашувчи марказлар вакиллари ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. — Кўргазма кутганимдан ҳам аъло даражада ўтаётди, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Нигора Қудратова. — Инглиз тилини ўрганишга қизиқаман. Чет тилини ўргатувчи ўқув курслари ҳақида маълумот керак эди. Мана буклетлар беришди, бевоқифа улар билан мулоқот қилиб бир қарорга келиб ҳам олдим. Бундан ташқари ҳар бир қиз учун керак бўладиган пазандалик, тивувчиликни ўргатувчи курслар ҳам менда катта қизиқиш уйғотди.

## Хурматли муштарийлар,

2017 йил учун “HURRIYAT” газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, “Hurriyat” да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!



## ҲАМЖИҲАТЛИК НАМУНАСИ

Фарғона вилоятида миллатлараро тотувлик, бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётган 7 миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда.

Дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкам кўпригига айланган Рус миллий-маданий марказида рус миллатига мансуб юртдошларимиз ўз урф-одат ва расм-русумларини адо этиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаши, ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Миллий байрамлар, фестиваллар, концертлар, ёшлар мунозаралари, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар мунтазам ўтказиб борилади. Марказ қошида ташкил этилган рус тили, вокал, актёрлик маҳорати, амалий ва тасвирий санъат тўғрақларида ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

Суратда: Фарғона вилояти рус миллий-маданий марказида. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

# ФИРДАВСМОНАНД

## » БУ ШУНДАЙ ТУЙГУКИ...

Боғи Баланд, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳонаро, Боғи Биҳишт, Боғи Чинор, Боғи Нақши, Боғи Феруза, Боғ Нав, Боғи Давлатобод боғларга улашган боғлар, гулзорларга туташган гулзорлар... Олам аҳли тавофга шошаётган Амир Темур зиёратгоҳи, Кўксарой, Регистон, Улугбек мадрасаси, Бибиноним масжиди, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр қадамжолари... Уздан нур таратиб турган осори-атиқалари билан тилсимотларни макон айлаган тилларанг ва лажвард доруссалтанат, ҳадсиз музаф-фариятлар, қувончу-шодликлар қучган Биҳишти жаҳоним — Самарқандим.

Халифа Усмон муҳафани бугунги кунда Тошкент азияда, Хаста Имом масжидида мусулмон дунёси нурлантириб турибди.

Ҳазрати Соҳибқирон Кеш мадрасаларидан бирида ўқиб юрган пайтларда қайсидир бир китобда ўқиганини эслаб ёдда тутмишлар. Халифа Маъмур Самарқанд вилояти ҳақида сўраганида унга жавоб беришган экан: «Самарқанд бамисли ойқўрғоннинг ўзи. Дарёси фалак қасрининг дарёси монанд, далалари эса осмон ёритқичларидай фусункор...»

Амир Темур наздида гоёт ўринли таъриф. Чинданда далалари серҳисол, боғлари тароватли, сувлари шарқироқ маскан. Қиш фасли совуқ, баъзан қор уч қаричга етади. Ёзлари мўътадил, баҳори ниҳоятда тароватли. Тупроғи бамисли жаннат. Ҳалланг ҳамма туридан учрайди. Меваларини айтсангиз! Соҳибқирон, айниқса, Самарқанднинг навшати, муруди, анжирини яхши кўрар эди. Ул муҳтарам зотнинг яна бир одатлари қаерга борса гулларнинг уруғларини келтирар эканлар. Бир куни ишонган дўсти Муҳаммад Чурога билан Самарқанд гулларини эриштириб санаб чиқибдилар. Қизил гул, гули раъно, гули нафармон, шаббўй, савсан, райхон, ҳарам, гулхайри... саноғи ўттиздан ошиб кетибди. Гулларни, боғларни хуш кўрувчи бобомиз тақдирга боғларни, гулзорларнигина эмас бутун бир Турон заминини яшнатилдек масъулият юклатилмиш.

Ҳазрати Соҳибқирон орзу қилган фазлу камол Самарқандда бўй кўрсатгунча орадан не-не суронли асрлар кечмиш. Самарқандни таламишлар, кўзларига қумлар сочмишлар, табарқур боши узра қилич ялонғочламишлар, шамшир ўйнатмишлар. Унинг илоҳийлигини унутмишлар, унга хиёнат қилмишлар. Турғунлик йиллари ўн икки ойда бир марта отажоним бизни Самарқанд зиёратига олиб келардилар.

Орадан йиллар ўтди. Зарлар оққан Зарафшон соҳилларига истиқбол баҳори келди. Она юрт осмонда хумо куши марғур парвоз айледи. Муқаддас заминда мустақилликнинг хур шамоллари эси. Она Ватанин бахтиёр кўрмоқ учун умри жонини фидо айлай оладиган раҳбар юрт тепасига келди. Ўзбекистон ер шарининг одамлари бахтиёр яшаётган икки тамақнинг бирига айланди. Биз бу музаффариятни Муҳтарам биринчи Президентимизнинг азиз номи билан боғлиқ кўрамиз. Ер юзиде Ўзбекистон деган юрт бор экан, юракларда Ислому Каримовнинг азиз ёди абад ўчмасдир!

Салоҳатнинг тисмоли бўлиб юрт бошига келган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилни «Халқ билан мулоқот, инсон манфаатлари йили» деб аташларига чуқур рамзий маънолар бор. Президентимиз ҳалқнинг маънавий-маърифий савиясини янада чуқурлаштириш учун китоб ўқишга катта



Ушбу оқган суратлар

## КИТОБХОНЛИК

### заруратга айланмоғи лозим

«Бошланғич 1-бетда»

Шу аснода жаҳон жамоатчилиги китоб ва китобхонлик масаласида турли фикрлар билдирилиб, айрим ҳолларда китобнинг ўрнини замонавий АКТ эгаллайди, дейилса, бир гуруҳ мухассислар асрлар давомида инсонга энг яқин йўлдош бўлиб келган китоб тараққийнинг бугунги босқичида ҳам энг яқин маънавий кўмакчи бўлиб қолишини айтишмоқда. Бироқ ҳар қандай шароитда ҳам китобхонлик ва мурола масаласи биз учун ҳам зарур ва жоиз аҳамиятга эга бўлиб қолаверди.

Бунга биз Президентимиз томонидан қабул қилинган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мурола ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши мисолида яна бир бор амин бўлишимиз мумкин.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида ташкил этиладиган комиссия томонидан китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мурола ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш каби бир қатор вазифаларнинг белгилашга мазкур соҳанинг янги ривожланиш босқичини бошлаб беришга хизмат қилади. Бу ўринда ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки маънавий етук, билимли авлодига ислохотларимиз давомчиси, мамлакатимиз келажагининг бунёдкори ва ҳақиқий эгаси бўла олади.

Жойларда китоб савдосини қўллаб-қувватлаш мақсадида фармойишда ихтисослашган фармациялар учун вилоят, туман марказлари, аҳоли гавжум ва қулай ҳудудлардан жой ажратиш ёки ижарага бериш масалаларини қайта кўриб чиқиш, сотув айланмасида китоб улушнинг ҳажми 70 фоиздан ортиқ бўлган тадбиркорлик субъектларини алоҳида ҳисобга қўйиб, уларга солиқ имтиёзлари бериш масалаларининг белгилашга ҳақиқий эгаси бўла олади.

кеलाжакдаги юксак маънавий самара олдиде китобхонлик, зиёкорлик учун бугун қанча шароит яратилса ҳам қўплик қилмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ҳам китобларни чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилиш муҳим вазифалар қаторида эканлигини таъкидлаб ўтганлари яна бир бор китобхонлик ишининг олдимиздаги асосий масала қаторида эканлигини аниқлашга хизмат қилди. Хусусан, Бош вазир раислигида махсус комиссия тузиб бир ой муддатда дарсликлар, махсус ва бадий адабиётга бўлган реал эҳтиёжни, уларни бошқа тилларга таржима қилиш, улар билан ўқув юртлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тақдим этиш топширилди. Бунда ёшлар ва аҳолининг кенг қатламлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш, китобларнинг ҳақиқий нархи шаклланишини жуذا ҳам пухта ўрганиш зарурлиги билдирилиб, ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш ҳам муҳим вазифалар қаторида турганлиги қайд этиб ўтилганлиги замирида келажак учун қайғуришининг юксак намунасини кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, китобхонликни тарғиб қилиш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини жонлантириш, айниқса ёшларни ўзларини қизиқтирган, келажак

йўлида фойдали ахборотлар билан таъминлаб боришда парламент назорати шаклларида самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда яқинда қўмитамиз томонидан «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Халқ таълими вазирлиги ва унинг Андижон ва Навоий вилоятларидаги бошқармалари томонидан ижроси бўйича ўрганиш ташкил этилганлиги мисолида ҳам айтиш мумкин. Ўрганиш натижалари бўйича аниқ бўлмоқдаки, бугун марказлардан йироқ бўлган чекка ҳудудлардаги ўқув муассасаларини узлуксиз сифатли интернет билан таъминлаш, Ziyonet таълим портали фаолиятини жонлантириш, ўқувчилар қаторида ўқитувчиларнинг ҳам китоб муролага бўлган иштиёқини ошириш борасида ечимини қутаётган талай ишлар бор. Бундан ушбу масалага маъсулларнинг қонунлар ижроси сифатини оширишга ҳам эътиборни қучайтириш кераклиги ойдинлашмоқда. Чунки чекка ҳудуд ёшларининг замонавий АКТ имкониятидан фойдаланиш ўз билим ва қўнимларини оширишга, энг сўнги ўқув адабиётларидан баҳра олишга тўла ҳақлари бор.

Бу ўринда айтиш керакки, қўмитанинг жорий йил иш режасида ҳам ушбу масала назорат таҳлил фаолиятининг муҳим йўналишидан бири сифатида белгиланиб, қўмита томонидан «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонунининг Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятидаги ижросини ўрганиш режалаштирилган. Ўрганиш натижалари соҳадаги қўмитанинг тақомиллаштириш билан бирга мамлакатимизда аҳоли ўртасида китобхонлик даражасини ошириш, ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада жонлантиришга муҳим ҳисса қўшади.

Ҳар қандай бузғунчи куч ва хуруж юксак маънавият билан енгиш мумкин. Шу маънода китобхонлик бугун барчамиз учун ҳаётий заруратга айланмоғи керак. Ушбу масалага шахсан давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб бу борада муҳим вазифаларнинг белгилаб берилаётганлиги аҳоли ўртасида юксак маънавий онг ва маърифатпарварликни тарғиб қилиш йўлида барчамиз учун янги ибрат босқичини бошлаб берди, дейиш мумкин.

Расул КУШЕРБАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

## «БИЙЛАСАНГ БЕК БЎЛАР...»



«Бошланғич 1-бетда»

Жойларда ташкил этилаётган очиқ мулоқотлар мавжуд

муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга сабаб бўлмоқда. Пойтахтимиздаги «Зарафшон» концерт залида уюштирилган мулоқот ҳам ёш тадбиркорларга уларни қийнаётган масалалар юзасидан саволларини

бевосита мутасадди ташкилот раҳбарларига, тегишли идора вакилларида бериш имконини яратди. Интернет орқали келиб тушган ҳар бир саволга алоҳида эътибор қаратилиб ва батафсил жавоб берилиди. Бу, албатта, чекка-чекка ҳудудларда ўз фаолиятини олиб бораётган ёш тадбиркорларга қўл келиди.

Ўқшимиз, ишлашимиз, мустақил тадбиркорлик билан шугулланганимиз учун ҳамма шароит яратилган. Ёнг шимариб, ҳаракат қилсак, олға интилсак бўлгани.

Шоҳсанам КОМИЛОВА,  
«Hurriyat» муҳбири

## АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР

### инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда

#### » ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Халқимизнинг меҳнатсеварлиги, шижоати ва интилувчанлиги боис мамлакатимизда қисқа давр ичида оламшумул ютуқларга эришилди, Ўзбекистонни бутун дунёдан олмоқда. Ёнг муҳими, фуқароларимизнинг тафаккури, дунёқараш зamon руҳига монанд ўзгариб, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда ўзаро уйғунлик — инсон манфаатларининг ҳамма нарсдан устунлиги муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу эса ҳаёт сахнасига кучли, билимли ва доно янги бир авлод кириб келишига мустаҳкам замин яратди.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам инсон қадри, унинг манфаати олий қадрият сифатида эътироф этилаётганлиги кўриш мумкин. Бу ўз ўрнида юртдошларимиз, сайловчилар билан янада яқин бўлиш, улар қўяётган асосли талабларни бажариш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қилади, албатта.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини қучайтиришга, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққийнинг, ички ва ташқи сибатининг энг муҳим вазифаларини ҳал этишдаги ваколатларини кенгайтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Ижро этувчи ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам қонунчилик нетизи яратилди.

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, мамлакатимизда халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган барча эзу ниятли ишлар чуқур мин-

натдорчиликка сабаб бўлмоқда. Ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлари томонидан ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати ўрганилмоқда. Парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантиришга қаратилган очиқ мулоқотлар шаҳару туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиш ҳамда тегишли раҳбарлар ҳисобини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишда долзарб аҳамиятга эгадир.

Халқ билан бевосита мулоқот, турли ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг фикрларини аён бўлмоқдаки, уларнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда. Аҳоли билан юзма-юз ўтказилаётган бундай мулоқотлар халқ фаровонлигини таъминлашда, уларнинг орзу-истаклари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг талаб ва


таклифларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш, депутат ва Сенаторларнинг келгуси вазифаларини аниқ белгилаб олиш, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни янада тақомиллаштиришда қўл келади.

Юзма-юз мулоқотларда кредит олиш, коммунал мажмлақлардаги муаммолар, тиббий хизматнинг сифат даражаси, ҚВПлар ҳолати ва фаолияти, постронаж хизмати, тиббиёт муассасаларини дори-дармон билан таъминлаш, кадрларга бўлган эҳтиёж, ҳудудлардаги ҳокимият идоралари, прокуратура, ИИБ раҳбарлари билан аҳоли ўртасида кўпроқ учрашувлар ўтказиш бўйича тақлиф ва муурожаатлар тушмоқда.

Шуни эътиборга олиш лозимки, халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги эзу саъй-ҳаракатларидан қўзланган мақсад ҳам инсон ҳаётини бахтли ва фаровон қилишдир. Бугунги кунимиз кечагидан, эртаимиз бугунги кунимиздан кўра бахтли ва фаровон бўлишга эришишимиз, бу борада халқимизга доимо ҳамкор ва қўмақдош бўлишимиз керак. Зеро, ижтимоий алоқат таъминланган давлатда халқнинг бунёдкорлик салоҳияти, яратувчанликка интилиши ва иштиёқи қучайиб бораверди. Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, пировардида халқимизни ҳаётдан рози қилиш учун барча шарт-шароитлар яратиш стратегик мақсадларимиздан биридир. Бундай юксак марраларга эса, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг ички кириб, дарду ташвишларини эшитиш ва дардида дармон бўлибгина эришиш мумкин.

Мархабо ҒАФУРОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати

# САМАРҚАНДИМ



этибор қаратиш зарурлигини таъкидламоқдалар. Бугун юртимизда китобхонлик учун ҳамма шароитлар маъжуд.

Инчунун, Самарқандда ҳам "Китоб олами" маънавий-маърифий мажмуаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ, аммо бу даргоҳда ҳар кун беш юздан ортиқ ўқувчи китоб савдосини амалга ошираётганини ҳисобга олсак ва бу савдога ҳар кун ишлаб янги ўқувчи қўшилиётганини қайд этсак, натижа яхшиланаётганига шак-шубҳа йўқ.

Ҳа, Самарқанд китобга, илм-фанга, тараққиётга интилаётган, ақлу адолат гулшани. Самарқанд фақатгина усти ялтироқ шаҳар эмас, у улкан қалби фозил шаҳар. Унда ақл дараклари илдиз отмиш. Унда нафосат чаманлари чечак очмиш.

Олам аҳлининг йўллари Самарқандда туташиди. Йўлларнинг бири Соҳибқирон Амир Темир мақбарасига элтира, яна бири Ҳазрати Ҳизр зиёратгоҳига, Мухтарам биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов мангу кўним топган қадимий элтади. Инсоннинг сижнари саждагоҳи қанча кўп бўлса, эътиқоди шунча кучли бўлар экан. Бизнингда бош ураб муқад-

дас манзилимиз яна биттага кўпайди...

Яна йўлим Самарқандга тушиди.

Ассалом, нурларга чўлганган фирдавмонандим! Ассалом, гулларга ўралган доруссалтанатим. Ассалом, ҳар кун зафарият шуқуҳини ҳис этаётган ворислар юрти!

Ассалом, ҳазрати Соҳибқироним!

Йил давомида минг турли анвоий гуллар оғушида кўраман шаҳримни. Баҳорда бориб лолалар маконига дуч келим: қизил лолалар, қирмиз лолалар, оқ лолалар, нафармон лолалар, ҳатто қора лолалар. Бу лаҳзаларни "Самарқандда лолалар вақти" деб аташар экан. Ёзда минг турли фавворалар қуршомида қолдим. Бундай кунларни "Самарқандда фавворалар вақти" деб атайдиган бўлишимди. Ҳа, кузда олмалар, анжирлар, қовунлар сайли ўтади, қишда билтур шаҳарга айланади бу муаззам макан.

Самарқандим, сенга қай фаслда келмай, қай тарафдан келмай, мўъжизага дуч келаман. Шеърга, сеҳрга ошно тутинаман. Нон ҳиди, сут ҳиди келган кўйлагингни ҳидлайман. Авлиёлар эшиги бўлган остонангга бош ураман.

Дунёни таовфга қорлаб турурсан,  
Инсонни инсофга қорлаб турурсан,  
Ҳазрати Ҳизрага бошлаб борурсан,  
Йўлларинг кўзимга суртай Самарқанд.

Юлдузларни ушлаб ном топангинда,  
Жонларингни бериб шон топангинда,  
Қўлларинг куймасму, нон ёпангинда?  
Қўлларинг кўзимга суртай Самарқанд.

Азал афсонасан минг туффа бўлган,  
Очилдастурхону, нон сурпа бўлган,  
Миллат Отасига оқ кўрна бўлган,  
Гулларинг кўзимга суртай Самарқанд.

Сароймулкхонимсан бардошони ютган,  
Желилари хонлар, султонлар туққан,  
Китоб карвонига елкасин тутган,  
Қўлларинг кўзимга суртай Самарқанд.

То адолат мангу, саодат мангу,  
Имону эътиқод, диёнат мангу,  
Барокат эшиги аталган ўну  
Сўлларинг кўзимга суртай Самарқанд.

Шоҳи Зиндам менинг шунда тирилган,  
Неча бор қирилган, шунча тирилган,  
Тунда ўлдирилган, тонгда тирилган,  
Борлигинг кўзимга суртай Самарқанд.

Ер юзин талғати, — дея аталган,  
Шафқат салтанати, — дея аталган,  
Бу дунё жаннатга, — дея аталган,  
Ёрлигинг кўзимга суртай Самарқанд.

Нон каби ушалиб ном топангинда,  
Ботирларинг бериб шон топангинда,  
Қўлларинг куймасму нон ёпангинда?  
Қўлларинг кўзимга суртай Самарқанд.

Зулфия МҶМИНОВА

## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Хаётда ўз ўрнини топган, танлаган касбу кори билан элига нафи теккан, қобил фарзандлар ўстирган инсон сочу қошлари оқариб, ёшига ёш қўшилса-да, кўнгли тобора ёришиб боравераркан.

Олий тоифали шифокор, Соғлиқни сақлаш аълочиси Жума Жабборов ана шундай юртдошларимиздан.



## МЕҲРГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

Жума Жабборовни неварасининг саволи ўйлантириб қўйди. "Шажара нима, устозимиз ўз шажараларингни тузиб келинганлар" дегани кўп нарсаларни ёдига солди...

Бир тўйда икки бобойнинг суҳбати қўлоғига чалинганди. Бир-бирига нотаниш бу икки нуруний уруғларини суриштира-суриштира, қариндош чиқиб қолишиди. Уринларидан туриб қайта кучоқлашиб кўришиди. "Етти отангни билсанг, ҳеч ким бир-бирига бегона эмас, ҳамма қариндош чиқади" дейишганди улар. Жума Жабборов иш дебди, юмуш дебди, шу нарсаларга эътибор бермаган экан. Мана умрининг етмишинчи бекатида туриб ана шулар ҳақида ўйлапти. Не-вара-чевараларига шажара каби қадриятларни аниқлашга қарор қиларкан, узоқ-яқин қариндошлардан оғизма-оғиз маълумот тўплашга киришди, китобларга мурожаат қилди. Маълум бўлишча, етти отагача бориб туташибу ота-инилик тўп дейилса, бир отага бориб тақалувчи бир неча авлодларнинг оға-инилиги уруғ дейиларкан. Жума Жабборов зомин найманларидан бўлиб, бойтўби тўпидан экан. Етти оталардан энг улуғи Жуман бобо бўлиб, сўнг Бегали бобо, Қаландар бобо, Бойжаной бобо, мулла Бийтўра бобо, Жўра бобо, Жаббор оталардир. Бу ота-боболарнинг ҳаммаси чорвадор ўтган. Отаси Жаббор бобо оила-си билан 1952 йили Сирдарё вилоятининг Бобўт туманига кўчиб келганда Жума ҳали кичкина эди. Отаси иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлиб, кўкси орден-медалларга тўла эди. Отасининг вужудига уруш яраси бор эди. Шунга қарамай, у киши ҳеч қачон нолиган эмас. Ҷўли ўзлаштиришда фаоллардан бўлиб, леҳончилик қилиб, рўзгорни бутлади. Онаси Чинниҳол Жўраева уйда-бурон аёл эди. Унта боланинг уст-боси, рўзгори ҳаминша саришта бўларди.

Отаси оламдан ўтганида Жума ҳали мактабни битирмаган эди. Тоғ қулагандай бўлди, кўнглини қоронғилик босди, "энди нима

қиламан" деган савол бошида гувиллади. Сўнг Сафар акасига қараб ўзини ўнглаб олди. Акасига қараб йигитлик, иродалилик, орият, меҳрдан сабоқ олди, унга сунди. Сафар акаси ҳамма укалари, сингилларининг ўқиб, илм олиб, касб-хунар ўрганишларида ёрдам берди, қўллади, меҳрини аямасди. Мағфират янгаси ҳам кўнгли дунёдай кенг, меҳри чексиз аёл экан. Тўй-тўйчиқларда бош бўлган, ҳаммаларининг уйи-жойли бўлишида ҳўжасининг ёнида туриб қарашган бундай аёлларнинг баҳоси йўқ, таърифта сўз камлик қилади. Шундай меҳрибонлари туфайли Жума Жабборов Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)да таҳсил олди. Унинг давлош факультетини имтиёзли тутатиб, Сирдарё вилояти шифохонасида травматолог-ортопед мутахассислиги бўйича узоқ йиллар ишлади. Тинмай илганишга, соҳасига оид янгиликлардан бохабар бўлишга ҳаракат қилди. Беморлар шифо топиб "раҳмат" деганида, "қўлингиз дард кўрма-си" деган самимий сўзлардан кўнгли ўсиб, дили ёришиди. Айниқса, жарроҳлик амалиётларини ўташ олдидан ҳар бир шифокорда бўладиган кечинмалар Жума Жабборовда ҳам бўларди. Жараёни тугатиб пешонасидаги реза-реза терни аркти чиқаркан, беморнинг яқинларига "ҳаммаси яхши, энди соғайиб кетади" деган умидбахш сўзни қатъият билан айтганида порлаган кўзлардаги миннатдорликдан бутун томирларига қувват эзарди. Киришмишчилиги, одамлар руҳинини яхши англай олиш қобилияти, ташкилотчилиги туфайли соғлиқни сақлаш тизимига раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлади. У танлаган касбидан мамнун. Шифокорлиги туфайли қанчалар қанча инсонлар билан танишиб, кўплаб беморларнинг шонига маҳкам бўлди.

Жума Жабборов қирқ йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида бой тажриба тўплаган. Ана шу тажрибалар бутунги ёшларга ниҳоятда керак. Шифокорнинг шо-ғирдлари кўп. Бир пайтлар усто-

зи Ботир Миразимовдан сабоқ олган бўлса, энди ўзи устоз. Ҳамон биланларини ёшларга ўргатишдан чарчамайди. Таниқли шифокор республика травма-толог-ортопедлар кенгаши аъзоси. Айни пайтда Равшан давлош маканнида врач-травматолог бўлиб ишламоқда. Кўнига 20-30 беморни қабул қилади, синчиклаб текшириб керакли муолажаларни буюради.

Ҳаста бўлсангиз, табибингиз очик юзли, қулар кўзи, ширин сўзли бўлса, соғайишингизга қароғайи бўлса, Жума Жабборов ана шундай шифокорлардан. Шундан бўлса керак, "мен сиздан шифо топдим" ёки "фалончи жигаримнинг, яқинимнинг саломатлигини тиклаган сизсиз" дегувчилар жуда кўп. Ўз касбига меҳр қўйгани учун тақдир уни меҳрибонлар билан сийлади. Эл фарзандларига тил ва адабиёт фанидан дарс бериб, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган завжаи муҳтарамаси Марзия Жабборов билан бирга бир ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказишди. Ўғли Шўхрат айни пайтда Гулистон шаҳридаги бизнес марказида баҳолаш бўлимида ишламоқда. Қизлари Зулхумор эса она касбини танлаган. Уч невараси университетда талаба. Кичик неваралар атрофида гири айланаётганда дунё қўзларини янада бошқача кўринадди. Кўпчиликка меҳр берган инсонларгина ўзларини меҳр оғушига кўрадилар. Энди улўғ ёшлар остонасига қадим кўйган инсон сифатида невараларга аждодлар, улўғлар, яхшилик ҳақида панду насихат қиладиган айни пайт келди. Шуларни ўйлаган таниқли шифокор ўзи тузган шажарани фарзандларига тақдим этиш мақсадида ёзув столига яқинлашаркан, унда ўзи учун аталган сатрларини ўқиб мамнун жилмайди:

Минг бир баҳор тутсин  
Сизга гул,  
Элга беринг яна сиз ошини,  
Ҳали Сизда орзу-истак мўл,  
Юзга киринг, етмиш ҳам ёшим?  
Маматқул БОЗОРБОВ  
Сирдарё вилояти

## ОГОҲ БЎЛИНГ: ИЛЛАТ!

Интернетда мана бу жумларни ўқиб қолдим:

**Александр — талбиркор:**  
— Шов-шувли хабар ва видеоларга ишонмаганим. Лекин кеча дўкандан чиқиб машинада кетаётсам, узоқда, светофор ёнида кўзлари юмук, бир-бирининг қўлларини маҳкам ушлаган еттинчи ё саккизинчи синф ўқувчиларини кўрдим. Яшил чироқ ёнғач, чорраҳани кесиб ўтаётган ҳам эдимки, бошқа бир қизнинг кўрсатмаси билан ўсимларнинг бари машинани олдиндан кесиб ўтди. Ҳаяжонда тормозни қандай босганимни билмайман. Тамом, уларни уриб юбордим, деб хаёл қилдим. Ўсимлар эса аллақачон йўлни нариги бетида орталарига қарамай югуриб кетишарди. Ушанлагани бонг урилатган бу ўйнинг ўлим билан ўйнашиш эканлигини англаб етдим.

**Сергей, Шуй шаҳрида яшайди, автобус ҳайдовчиси:**  
— Яқинда иш жадвалим бўйича ҳаракатланиб кетаётсам, чорраҳага яқин қолганда автобусим олдида тўсатдан ўн икки ёшлардаги болалар пайдо бўлди. Бари шу қадар тез содир бўлдики, ақлим шовшиб, тормозни қандай босганимни билмай ҳам қолдим. Болага нима бўлди, дея атрофга назар солсам, у аллақачон йўлнинг нариги томонида эди. Шерикларим ҳам бор эди. Уларнинг бари йўлнинг нариги томонида тизилишиб, қузатиб ўтиришарди...

Ўз машинада кетаётганда яна шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. Унда ҳам чорраҳага яқинлашиб қолган эдим, тезлик катта эмасди. Яна бир бола кўз олдима югуриб ўтди, хайрият, бу сафар тормоз бериш

қийин бўлмади. Ҳалиги бола ва ҳолатни видеога олаётган ўртоқлари қочиб улгурди.

**Екатерина Белякова — икки фарзандлиқ онаси:**  
— Машинада болаларимни боғчага олиб кетаётган эдим. Чорраҳадаги светофорнинг қизил чироғи ёниқ эди. Йўл четидан турган бир болаканинг ҳаракатлари негадир шубҳали туюлди. Худди югуриш олдидан старта турганга ўхшарди. Бу ўйин ҳақида олдинроқ дўгоналаримдан эшитганим. Бирдан ҳалиги болаканинг фикрини ўқандек, жуда паст тезлик билан машинани кўзатдим. Ёнида турган яна икки шериги кўзларидан телефон, тасвирга олиш билан банд. Шундай секинлик билан чорраҳани кесиб ўтдим. Ҳалиги мактаб ўқувчиси эса ортимдан келаётган машина олдини кесиб ўтди. Ҳайдовчи зўра тўхташга улгурди. Машинани чеккароқда тўхтатиб болаканининг олдига югурдим. Билсам, бешинчи синфда ўқишаркан. Бу қилмишлари қанчалик хавфли эканини тушунтиришга ҳаракат қилмай, уларга гапларим ҳам, дўқ-пўписам ҳам эса кетди. Бу ўйинни тезроқ тўхтатиш керак!..

Бутунги кунда Россиядаги ҳайдовчилар ўртасида ваҳима билан ёзилган шундай вақтлар билан постларни ўқиб, бу энди қанақа ўйин бўлди экан, дея ёқа ушлайсан киши. Ўзини келаётган машина остига ташлаш жондан тўйган нодонларнинг тугуми эмасми? Ҳазил-ҳазил ёки қизиқиб билан ўлим билан ўйнашаётган ўсимлар сони Россия, Украина ва Қозоғистонда тобора ортмоқда.

Кейинги вақтларда, кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган "Кўк кит", "Тинч уй", "F57",

# АЖАЛ ҲАҚИДА

"WinX" каби ўз жонига суиқасд қилишга мажбурловчи ўйинлар қаторига яна бир "Беги или умри" ("Югур ёки ўл") номли жуда хавфли ўйин қўшилди. Аксар ўсимларнинг "қизиқишига" сабаб бўлаётган бу ўйиннинг асл манбаси ҳақида аниқ маълумот йўқ, мутахассислар айтишича, ўйин топшириқлари иштирокчига шахсий хабар орқали юборилади. Бола ҳаракатланиб келаётган машина олдини кесиб ўтди. Омон қолса, ўйин голибига айланади, эплот-маса... Шу боис ўйин юқоридаги каби номланган.

Иштирокчи машинани иложи борича энг яқин масофадан кесиб ўтиши лозим, шунда у катта бални қўлга киритади. Бу вақтда бошқа бир ўсим юз бераётган ҳодисани қўл телефонига муҳрлайди. Сўнг ижтимоий тармоқлардаги махсус гуруҳларга бу лавжа узатилади. Баъзи маълумотларга кўра, югунинг кесиб ўтиши лозим, шунда у катта бални қўлга киритади. Бу вақтда бошқа бир ўсим юз бераётган ҳодисани қўл телефонига муҳрлайди. Сўнг ижтимоий тармоқлардаги махсус гуруҳларга бу лавжа узатилади. Баъзи маълумотларга кўра, югунинг кесиб ўтиши лозим, шунда у катта бални қўлга киритади. Бу вақтда бошқа бир ўсим юз бераётган ҳодисани қўл телефонига муҳрлайди. Сўнг ижтимоий тармоқлардаги махсус гуруҳларга бу лавжа узатилади.

Россияда ота-оналар ва ҳайдовчилар ўртасида ўтказилган сўровларга кўра, ота-оналарнинг аксари бу ўйин ҳақида телефонларига келган хабар ва интернетдаги маълумотлардан, бир қисми ўқитувчи ва мактаб директорларининг огоҳлантиришларидан билишганини, қолган қисми эса ҳали бу ўйин ҳақида эшитмаганликларини айтишган. Сўровномада иштирок этган ҳайдовчиларнинг яъни "бу ўйин ҳақида биласизми?" саволига ҳазил тариқасида "шаҳарнинг ями шу ўйинни ўйнаптику", деб жавоб беришган бўлса, қолган ями бундан ўта ташвишда эканликларини билдиришган.

"Беги или умри" номли он-лайн ўйиндаги баъзи лавжаларни кўра туриб, даҳшатга тушсан киши. Ўйин иштирокчиси ихтиёрий кийимдаги одамни танлаб, у билан голиблик сари интилади. Машиналар ёнидан югуриб, йўлда дуч келганини ўлдириб, турли босқичлардан ўтиб, балл йиғишга ҳаракат қилади. Бу ўйинни GTA нинг янгича қўри-нишига қўйилганлар ҳам бўлиди. Бироқ ўйиннинг даҳшати шундаки, ундаги машиналар олдиндан югуриб ўтиш бевосита реал ҳаётга кўчиб улгурди. Ҳали мактабни битириб улгурмаган ўқувчилар ўлимга сабаб бўлмоқда. Масалан, Екатеринбургда шу ўйин дастидан бешта ўлим ва 58 та тан жароҳати қайд этилган. Бундан ташқари, автобус, трамвай, троллейбус ва бир неча юк машиналарининг орқа қисмига осилиб олган, арқон боғлаб, скейтда сирпаниб кетаётган болаларни кўплаб ҳайдовчилар қўришган.

Россияда ота-оналар ва ҳайдовчилар ўртасида ўтказилган сўровларга кўра, ота-оналарнинг аксари бу ўйин ҳақида телефонларига келган хабар ва интернетдаги маълумотлардан, бир қисми ўқитувчи ва мактаб директорларининг огоҳлантиришларидан билишганини, қолган қисми эса ҳали бу ўйин ҳақида эшитмаганликларини айтишган. Сўровномада иштирок этган ҳайдовчиларнинг яъни "бу ўйин ҳақида биласизми?" саволига ҳазил тариқасида "шаҳарнинг ями шу ўйинни ўйнаптику", деб жавоб беришган бўлса, қолган ями бундан ўта ташвишда эканликларини билдиришган.



Айни кунларда Россия бўйлаб ота-оналарга, мактаб ўқитувчиларига тушунтириш ишлари олиб боришмоқда, мактаб ўқувчилари билан алоҳида суҳбатлар ўтказилмоқда.

— Бу ўйиннинг оқибати ўлимдир, — дейди ўртоғининг ўлимидан даҳшатга тушган бир сўз йиғит. — Ўртоғим ҳам шу ўйинни ўйнади, афсуски, энди у сафимизда йўқ.

Ҳозир "замонавий" ўлим кўринишлари — ўзини осич, томдан паства ташлаш ёки машина гилдираклари остига ўзини топириш. Буларнинг бариди шубҳасиз, "ўлим гуруҳлари"нинг қўли бор, дея фикр билдирилди РЕН ТВда.

Бу ўйиндан болаларни қандай ҳимоялаш мумкин? Психологларнинг бу борада фикри қандай?

12 — 16 ёшли болалар умрининг кезик эмаслигини ҳали тушунишмайди, ўлим нима эканини англай олишмайди, ҳатто. Руҳшунослар ота-оналарга ўз фарзандлари билан дўстона муносабатда бўлишни ва компьютер ўйинларидан чалғитувчи барча усуллардан фойдаланишни тавсия қилишмоқда. Бироқ бу билан болани ижтимоий тармоқлардан бу-

тунлай ажратиш бўлмайди. Энг муҳими тақиқ эмас, балки ҳаётнинг бошқа жаҳалларига ёшларни қизиқтира олиш. Ҳозирги пайтда ижтимоий тармоқлар истаёмизим, йўқми, бошқалар билан ҳис-туйғуларини баҳам кўриш ва осон мулоқот қилиш муҳитидир. Бола виртуал маконда унга ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини яхши билди. Бу ерда ҳеч ким уни масҳараламайди, истаган нарсасини ёза олади, ўзини қизиқтирган саволларга, албатта, жавоб топа олади. Агар ўсим виртуал макондан илзаётанларини реал ҳаётда тўла-тўқис топа олса, ҳеч қандай ижтимоий тармоқларга мурожаат қилмайди. Ёки жуда оз вақтини уларга сарфлайди. Болаларнинг юмушлари қанчалик кўп бўлса, компьютер ва ундаги бемаъниликларга шунча кам вақт ажратишади. Энг асосийси, ота-оналар фарзандларининг ижтимоий тармоқларда вақтини қандай ўтказётганликларини наънама сарфлаётганларини назорат қилиб боришлари лозим. Дўстона муносабатни унутман ҳолда, албатта.

Гўзал МАЛИКОВА,  
"Hurriyat" мухбири

## БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ўз адвокатларига эза бўлиши, истаган вақтда улар билан учрашиб, ёрдам олишларига оид қонун нормалари ҳақида маълумот берсангиз.

Зангиота туманидан Л.ЭШОНҚУЛОВ

— Мамлакатимизда маҳкумларнинг юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қонун билан қаролатилган. Хусусан, Жиноят-ижроия кодексининг 10-моддасига мувофиқ маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашиш имконияти маҳкумларга уларнинг арзасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади. Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи хоҳламаганлиги сабабли ҳимоячининг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан холи суҳбатлашганидан кейин тасдиқла-ниши керак. Бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.


Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари сони ва муддати чекланмайд.

Бундан ташқари, маъмур моддада адвокатнинг ҳам юридик ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳуқуқлари қайд этилган. Унга кўра адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорларини устидан шикоят бериш;
- жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш.

Саволга Зангиота туман ДНИ нотариуси Лола САМАРХОДЖАЕВА жавоб берди.

► СЎЗ — “ОЛТИН ҚАЛАМ” ОВРИНДОРЛАРИГА



Саodat ҲУРМОНОВА — телевидение йўналиши бўйича I-ўрин соҳибаси:

Шу юртда яшамокликнинг ўзи омад

Бундан ўн бир йил муқаддам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор манфаатдор тузилмалар ҳамкорлигида ўзбек матбуоти тарихида илк мартаба Миллий мукофот таъсис этилди ва танловда иштирок этиш учун эълон берилди. “Олтин қалам” Миллий мукофоти шу тарзда юртимиз медиаоламига қилиб келди. Бу воқеа мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги нуфузи ва маъсулиятини янада ошириш учун хизмат қилиб келяпти, шубҳасиз. Ушбу мукофотни қўлга кириштириш орзу қилинган ва шунга лойиқ ҳамкасбларимиз сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳар бир касб эгаси, жумладан, ижодкор халқи ҳам рағбатга эҳтиёж сезади. Мазкур танлов ана шу рағбатга йўл очиб, журналистнинг иқтидорини синовдан ўтказди. Айни пайтда барча соҳаларда ўтказилаётган ислохотлар, уларнинг бориши, аҳолининг турмуш тарзи, маданияти-маънавиятини янада юксалтириш учун қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижросини, одамларнинг ушбу ўзгаришларга муносабатини, уларнинг қувончу ташвишларини ўзи вақтида ёритиб бориш биз журналистлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шукрки, юртимизда соҳа вакиллари фақат эзгуликлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳақида сўз юритиш учун масъул. Қўшни мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз эса инсон қалбини ларзага соладиган қонли тўқнашувлар, одамларнинг олдинга эмас, неча йиллаб ортга қараб кетаётган тартиб, кўз ёшларини армонларини қўли титраб ёзишига тўғри келмоқда. Бундай қиёсдан қалбимизга қайғу инанади, аммо бирни кўриб фикр қил, кўпни кўриб шукр, деб бежиз айтилмаган. Биз ўзимизга берилган имконият, шарт-шароити омаднинг қадрини ҳис қилишимиз ва бундан кенг халқ оmmasига, айниқса ёшлар қалбига сингдиришда етакчи бўлишимиз даркор. Чунки шундай жаннатомонанд юртда яшамокликнинг ўзи катта омад. Ҳақиқий журналист ўзи ватани, эл-юрти, инсонлар манфаати учун иш қилади, изланади. Халқимиз маънавияти жуда бой, одамларимиз софдил, самимий. Кўрсатувлар тайёрлаганда кўпича аянсан шу жиҳатга эътибор бераман. Шу боис қаҳрамонларим муҳаббат ва соддалик инсонлар. Мен ҳам юзлаб ҳамкасбларим қатори ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлганим учун авваламбор қаҳрамонларим ва албатта камтарона меҳнатимни муносиб баҳолаган инсонлардан миннатдорман.

Хавфсиз интернет кўлами ва имкониятлари кенгайди

► МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ёш авлодга интернет тармоғида қулай, хавфсиз муҳит яратиш, маърифий ресурслардан ягона нуқтадан фойдаланишни ташкил қилиш мақсадида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан «ZiyoNET» тариф режаси жорий қилинди. Халқаро тажриба асосида татбиқ этилаётган ушбу тизим хавфсиз интернет ресурсларидан оммавий фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ҳамда «UZ-INFOCOM» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган матбуот анжуманида мамлакатимизда хавфсиз интернет майдонини ташкил этиш, ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўринбосари У.Алёмов, «Ўзбектелеком» АК бош директори Ш.Қодиров ва бошқалар замонавий интернет технологиялари фойдаланиш имконияти билан бирга ёшларнинг тартиб қилиш, ўзбекистонлик, экстремизм сингари салбий таъсирларни оммалаштириш воситаси сифатида ёш авлод тарбиясига жиддий таъҳид солаётганини таъкидлади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда дастуриямал бўлмоқда. Янги тариф режасига «ZiyoNET» таълим тармоғига улашиш учун ташкил

этилган «ZiyoNET» тариф режаси асос қилиб олинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан ишлаб чиқилган «ZiyoNET» таълим тармоғидан мамлакатимиздаги таълим муассасалари, ахборот-кутубхона, илмий, маданий-маърифий марказлар фойдаланиб келмоқда. Мазкур порталга улашиш учун «ZiyoNET» имтиёзли тариф режаси фақат юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилган бўлса, эндиликда жисмоний шахсларга ҳам шундай қулайлик яратилди. Тариф режаси доирасида фойдаланувчи «ZiyoNET» тармоғидаги ягона ахборот ресурслари рўйхатига киририлган сайтлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда ягона ахборот ресурслари реестрига таълим, маданият, спорт, бизнес, тиббиёт йўналишларида 3 мингдан зиёд миллион ва халқаро сайтлар киритилган. Энг кичик ёшли фойдаланувчилар учун ҳам махсус сайтлар рўйхати мавжуд. Ушбу рўйхат мунтазам таҳлил қилиниб, фойдаланувчиларнинг таклифига кўра, бойитиб борилади. Тариф режасини ишлаб чиқишда унинг нафақат ёшлар учун фойдали, балки кўрсатиладиган хизматларнинг қулай нарха бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, тарифда ягона ахборот ресурслари рўйхати киритилган халқаро ва миллий домена фаолият кўрсатаётган сайтлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бундан интернет трафиғи чегараланмайди. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази мутахассислари томонидан интернет тармоғининг ёш авлод тарбиясига салбий жиҳатлари доимий ўрганиб борилади. Ота-оналарга воқеа етмаган фарзандларининг ёшидан келиб чиқиб интернет тармоғида уларни ҳимоя қилиш, юзага келиши мумкин бўлган таълим ва хавфларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар бериб борилади. Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ, ЎЗА мухбири

Муаммо ва ечимлар муҳокамаси

Миллий матбуот марказида «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси томонидан вақти матбуот нашрларини аҳолига тез ва сифатли етказиб бериш бўйича белгиланган чора-тадбирлар, муаммо ва ечимларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг истиқболли ривожлантириш ва молия бўйича директори М.Орипов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ҳалқимиз, айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Сўнгги йилларда компания фаолиятини янада такомиллаштириш, вақти матбуот нашрларини истеъмолчига тез ва сифатли етказиб бериш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Тизим корхоналаридаги мавжуд «Матбуот» киоскларининг аксарияти жорий ва капитал таъмирланди, — дейди «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош юрист-консультанти Алишер Қосимов. — Маркетинг тадқиқотларига асосан аҳоли гавжум жойларга 153 ҳамда пойтахтимизнинг марказий қўчаларига янги типдаги 98 киоск жой-

лаштирилди. Автоматизация таъмирланиб, 49 янги автотранспорт воситаси харид қилинди. Жорий йил учун обуна расмийлаштириш ва етказиб бериш харажатлари бўйича тарифлар сезиларли даражада пасайтирилди, бази нашрлар, хусусан, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга ва болалар учун нашрларга имтиёзлар қўлланилди. Компаниянинг чакана савдо тизимида даврий нашрлар билан бирга етти юздан ортиқ турдаги китоб маҳсулотларининг савалого чиқарилиши аҳоли учун яна бир қўлайликдир. www.akmt.uz веб-сайтида обуна каталогининг электрон кўриниши жойлаштирилган бўлиб, интернет тармоғи орқали ҳам даврий нашрларга обуна йўлга қўйилган. Ҳозир мазкур хизмат тури янада такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга компания фаолиятида қатор муаммо ва камчиликлар борки, улар вақти матбуот нашрларининг истеъмолчига ўз вақтида етиб боришига, обуна жараёни ҳамда хизмат сифатига салбий таъсир кўрсатаётди. Бугунги кунда «Матбуот» киоскларининг 700 га яқини тўлов терминаллари билан таъминлангани учун ёпиб қўйилган. Уларнинг аксариятида янги хизмат турлари, хусусан, интернет ҳамда халқаро телефон сўзлашув карталари, уяли алоқа телефонларига тўлов карталари соғуви, телефон-факс ва нусха кўпайтириш хизматлари йўлга қўйилган. Матбуот анжуманида ана шу сингари камчиликлар ва уларни бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида фикр юритилди.

М.ҚОСИМОВА, ЎЗА мухбири

► ҲАМКАСБ ҲАҚИДА СЎЗ

Қулман билан бир қишлоқда туғилганмиз. Болалигимиз бирга ўтди. Бир мактабда олдинма-кетин ўқидик. Қишлоғимизнинг Дўстмурод Ҳайдаров, Рустам Усанов каби фидойи муаллимлари кўнглимизда адабиётга меҳр уйғотди. Мактабимиз ва қишлоғимиз кутубхоналаридаги бадиий китобларни алмашиб, талашиб-тортишиб ўқидик. Ёзган иншоларимизни, қизларга битган хатларимизни дастлаб бир-биримизга кўрсатдик. Мактаб деворий газетасига, туман, сўнг вилоят газеталарига баҳслашиб мақолалар ёздик. Биринчи машқларимиз матбуотда чиққанида илк ҳаяжонларимизни баҳам кўрдик.

Чироқчилик чироқли йигит



Яна қайси бирини айтмай?! Ошнамиз 1974 йили ўрта мактабни битириб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига ҳужжат топширдим. Биринчи йили омади чопмади. Қишлоққа боришга юзи чидамай, Тошкентда қолиб, қуришга ишладим. Олти йил бетон қўйдим, ғишт тердим, дурадзорлик қилдим. Кечки бўлимда ўқидим. Ҳарбий хизматга ҳам бориб келдим. Унинг журналистикадаги фаолияти «Бир сафда» журналдан бошланган. Кейин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига ўтди. Ешлар газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлди. «Муштум» журналида ишладим. «Оила ва жамият» газетасини ташкил этди. Қулман Очилов қариб қирқ йил умрини матбуотимиз ривожига бағишлади. Ёниб-қуйиб ишлади. Бутун меҳрини бериб мақолалар ёзди. Унинг ўша йилларда эълон қилинган очерклари, халқимизнинг Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Эркин Аъзам каби атоқли адиблари билан суҳбатларини бутун ўқисангиз ҳам худди ҳозир ёзилгандек таассурот уйғотади. Фикрлар, гаплар эскирмаган. Бунинг сабаби маҳоратда, сатрларга синган қалб ҳароратино самимиятда, деб ўйлайман. Республика ёшлар газетасининг устоз Жаббор ака Раззоқов ва унинг ўринбосари Қулман Очилов раҳбарлик қилган йиллардаги нуфузини биз тенги газетхонлар яхши эслайдим. Катта журъат ва эл-юрт тақдирига қуйинчақлик билан берилган мақолалар туфайли газетани киосклардан топиб бўлмасди. Ёки «Оила ва жамият» газетасининг Қулман Очилов муҳаррирлик қилган йиллардаги сонларини бир варақлаб кўрсангиз, ҳамкасбимизнинг соҳибанони тирноғига қадар профессионал газетачи эканига тан берасиз.


Мустақилликка эришганимиздан сўнг у йигирма икки йил Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗАда бош директор ўринбосари лавозимда ишлади. Дўстимизнинг агентликда қандай ишлаганини тушунишингиз учун битта факт келтирайман: 22 йил меҳнат таътилига чиқмаган. Йигирма икки йил ярим тунда уйига қайтиб, тонгдан ишга келган. Унинг ўзи бу ҳақда: «Йигирма икки йил йигирма икки соатдай ўтиб кетибди-я, жўра!» дейди. Бу фидокорона меҳнат, Ватанга хизмат давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлди. Қулман — меҳнатқаш, гайратли, ташаббускор, тиниб-тинчимайдиган ва айни пайтда таъби нозик, бироз инжиқ одам. Бунинг кейинги йилларда унинг мамлакатимиздаги турли журнал ва газеталарда кетма-кет чоп этилаётган ҳикоялари, қиссаларидан ҳам билиш мумкин. Томчи кунлар ўтиб тошини тешганидек, Қулманнинг бу бадиий изланишлари ёрқин натижалар бераётди. Дўстим Қулмани ҳаёт кўп бор сновлардан ўтказди, ҳамон синаяпти. Аслида тиррикликнинг ўзи бир снов экан-ку, биродар. Унинг фарзандлари, набиралари шундай отаси, бобоси, маслаҳатқўйи, гамхўри борлигидан фахрланса арзийди. Қулман Очиловнинг омади, бахти шундаки, ҳаётда кўп яхши одамларга учради. Уларнинг сабогини олди. Асқад Мухтор, Олид Ёқубов, Незъмат Аминов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Иброҳим Ғафуров, Маҳмуд Саъдий, Маматқул Ҳазратқулов каби ўзбек адабиёти ва журналистиксининг даргалари билан бирга ишлаш nasib этди. ЎЗА маҳорат мактабида тарбияланиб, Қулман Очилов сабоқларидан баҳраманд бўлиб, журналист сифатида шаклланган ёшларнинг бутун бир авлоди камолга етди ва улар бутун ўзбек матбуотини тебратиб турибди. Қултўғ ёшга тўлган Қулман дўстима мустақкам соғлик, ҳамisha яхши кайфият тилайман. Сизни сира гайрат-шужоат, жўшқин илҳом тарқ этмасин. Газета-журналлар, интернет сайтлари ёзганларингизни бериб улгурмай, шогирдларингизга, оғайниларингизга доимо ибрат бўлиб юринг, ошна!

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ, журналист

Хитой телевидениесига назар

► ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Хитой Халқ Республикаси мамлакатимизнинг энг йирик ва стратегик ҳамкорларидан биридир. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги муносабатлар, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий алоқалар йил сайин ривожланиб бормоқда. Телерадио фаолияти соҳасида ХХР телевидениелари билан ҳамкорлик ҳам йиллар давомида шаклланиб бораётганини қайд этиш ўринлидир. Ушбу мақола орқали Хитойда телевидениенинг ривожланиш тенденциясига назар ташлашни ниёт қилдик.



Мазкур давлатда телевидениенинг пайдо бўлиш тарихи ўтган асрнинг 50-йиллари охиридаги бориб тақалади. Утган йиллар давомида телерадиокомпания оидийлик ва соддаликдан етукликкача, атак-чекча қалам ташлашдан барқарор тараққиётгача бўлган йўлни босиб ўтди. Мутахассислар Хитойда телевидение ривожланишини бешта босқичга бўлишди. Булар: 1958–1966 йиллар — шаклланиш даври. 1967–1976 йиллар — «маданий инқилоб» босқичи. 1977–1982 йиллар — фаол ривожланиш даври. 1983–1989 йиллар — гуллаган даври. 1990 йиллар охири ва 2000 йилдан кейин — рақамли технологияларга ўтиш босқичи. Хитойдаги Пекин телестанцияси 1958 йил 1 май кунини ўз кўрсатувларини эфирга узатган бўлса, ўша йилнинг 1 октябрда Шанхай, 20 декабрда Харбин телестанцияларига асос солинди. Мамлакатнинг ўзига телевидензорлар ишлаб чиқарилмайдиган ва улар хориждан импорт қилинади. Шу боис дастлабки йилларда телевизор бор хо-

надонлар сони кўп бўлган, дея олмаймиз. 1960 йилга келиб, Хитой телеканаллари ўз кўрсатувларини етти та мамлакатга узата бошлаган бўлса, орадан беш йил ўтиб, бу рақам 27 тага етди. «Маданий инқилоб» йиллари мамлакат телеканаллари учун оғир синов даврига айланди. Жумладан, 1967 йил 1 январда Пекин телестанцияси фаолиятини тўхтатди, тез орада эса мамлакатдаги аксарият телеканаллар ҳам ёпиб қўйилди. Фақат 1968 йилдагина худудий телеканаллар яна эфирга чиқа бошлайди. Статистиканинг кўрсатишича, 1975 йил охирига келиб, Хитойда ҳар минг кишига битта телевизор тўғри келган, яъни 463 мингта телевизор мавжуд бўлиб, шундан олти мингта яқини рангли эди. «Маданий инқилоб» интиҳоси билан Хитойда телевидение ривожининг янги даври бошланди. 1979 йил 1 майда Пекин телестанцияси «Хитой марказий телевидениеси» (CCTV)га айлантирилди. Шу йил сентябрь-октябрь ойларида мамлакатнинг телешиштиришлар бўйича Марказий бошқар-

маси қарори билан теледасурлар кўрсатмаси ташкил этилди. Унда Хитойдаги 25 та телевидение иштирок этиб, умумий ҳажми 100 соатдан ортиқ бўлган теледасурлар намойиши этилди. Ана шу кўрсатмада Хитой телеканаллари ўртасида маҳсулот алмашинуви тамайл тоши қўйилди. Қизғин, 1979 йилдаги мамлакатдаги телеканалларда реклама бўлмаган. Айнан 1979 йилнинг 28 январда Шанхай телеканаллари илк реклама роллигини эфирга узатади. У ҳар кун саккиз мартадан намойиш этилган. 2013 йилда Хитойда реклама билан боғлиқ айрим чекловлар жорий этилди. Жумладан, дори воситаларининг рекламаси, ҳазил асосида қурилган, тилга янги интернет-лексикани олиб кириши мумкин бўлган реклама ролликлари эфирга бериш мумкин эмас. Мамлакатда амал қилладиган реклама қонунчилигига кўра, машҳур инсон бирор маҳсулотни реклама қилар экан, ҳуқуқий мажбуриятини зиммасига олади. Яъни реклама қилинган маҳсулот билан боғлиқ муаммо юзага келса, уни ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан бир-

Наргис ҚОСИМОВА

# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

## ШАРХ ЎРНИДА

Парранда етти хазинанинг бири. Қишлоқ хўжалигида паррандачилик етакчи тармоқлардан бири бўлиб, айни кунда жаҳоннинг етакчи давлатларида соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Чунки паррандачилик аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан бир қаторда қишлоқларда иш билан бандликка ҳисса қўшади.

Хозирги кунда жаҳонда гўшти маҳсулотлари орасида етиштириш ва истеъмоли бўйича парранда гўшти иккинчи ўринда туради. Дунё аҳолиси истеъмол қилаётган гўштининг 34 фоизи парранда гўшти улушига тўғри келади. Жумладан, АҚШда парранда гўшти истеъмоли ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб биринчи ўринга чиқиб олди. 2020 йилга бориб жаҳонда парранда гўшти етакчи ўринга чиқиб олади. Шу сабабли парранда гўштининг хавфсизлиги ва самардорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Паррандачилик бўйича бугунги кунда Хитой, АҚШ, Япония ва Россия олдинги ўринларни эгаллаб турибди. Айни дамда жаҳонда бир триллион 360 миң дон тухум, 296 миллион тонна парранда гўшти етиштирилади. Бу борада ҳиссаи 40 фоизни ташкил қилган Хитой биринчи ўринда турса, иккинчи ўринни АҚШ эгаллайди. Утган асрнинг 90-йилларида Хитой гўштининг ўзинини эгаллаб турарди. Бундай самарага эришиш йўлида паррандачилик ривож учун махсус туғушлар ташкил этилди. Бу туғушлар соҳадаги барча муаммоларни аниқлаб, уларни белгиланган вақтда ҳал қилди. Сўнгги 30 йил мобайнида паррандачилик тараққий этгани боис миллий иқтисод юқори кўрсаткичларга эришди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароити яхшиланди, даромадлари кўпайди. Бу билан ер курраси

аҳолисининг бешдан бирини ташкил қилувчи давлат ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб қолмай, балки жаҳон қишлоқ хўжалиги ривожига ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишига катта улушини қўшди.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари экологик тоза ва тўғрилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Паррандачилик эса агросаноат маъмулида етакчи тармоқлардан бири экани тан олинади.

Тарихдан маълумки, Хитой, Миср, Ҳиндистон, Қадимги Рим ва Марказий Осиё минтақасида паррандачилик қадим-қадимдан ривожланган. Ҳиндистонда эра-миздан аввалги 3 миң йилликда паррандачиликка асос солинган. Хонадонларда товуқ, ўрдак ва гоз боқиш Осиё ва Европада бир неча миң йиллардан бери анъана бўлиб келган. Курка илк бор Америкада хонақошларга олиб келинган.

Паррандачиликда товуқчилик ва куркачилик олдинги ўринларда туради. Бу борада парранда гўштининг учдан бир қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. АҚШда паррандачилик кичик фермер хўжаликларида товуқ боқиш билан бошланган. 1950 йилга қадар АҚШда гўшт ва тухум етиштириш муҳим соҳа сифатида кўрилмаган. "Океан орти мамлакат"да 1960 йилда жўжалар сони бир миллиарддан ошиб кетди. 1996 йилда америкалик фермерлар 7 миллиарддан ортиқ



бройлер жўжаларини етказиб берди. Айни дамда АҚШда ҳар бир хусусий хонадоннинг парранда боқишга мослашган ўзига хос товуқхоналари бор.

Хонадонларда товуқ асосан тухум учун боқилади. Россияда ҳам паррандачиликка катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ парранда маҳсулотлари асосан аҳолининг ички эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиб, яқин йиллардан бери агро-рофлага хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. 2016 йилда Россиянинг парранда маҳсулотлари узоқ хориж мамлакатларини ҳам забт эта бошлади.

Паррандалар нафақат гўшти, тухуми, балки пати учун ҳам боқилади. Бугунги кунда паррандачилик истиқболли ва чорвачиликка асосий йўналиш экани тан олинади. Бунинг сабабларидан бири паррандаларни саклаш учун иншоотларнинг олдий бўлишидир. Қолаверса, оиланинг даромади манбаи бўлиши паррандачилик қизиқарли, осон ва фойдаланишга эришмоқда.

Паррандачиликда товуқчилик биринчи ўринда турса, иккинчи ўрин гозчиликка берилган. Бунинг бир қатор сабаблари бор. Товуқни ҳар қандай шароитда

боқиш мумкин. Гоз эса мавсумга қараб боқилади. Бунинг учун албатта сув ҳавзалари керак бўлади. Қуриқчиликда гозлар итлардан асло қолишмайди. Унингизта бегона одам кирса, албатта "га-га"лаб овоз чиқаришади. Гозлар асосан гўшти учун боқилади. Арзон ва шу билан бирга сифатли гоз гўшти шифобахш экани айтилади.

Гозлар билан бирга ўрдакларга қизиқувчилар ҳам бор. Курка ҳам йил сайин оммалашиб бормоқда. Унинг гўшти парҳез экани маълум. Курка гўшти етиштириш бўйича АҚШ биринчи ўринда туради. Ундан кейинги ўринлар Франция, Италия, Буюк Британия ва Германияга насиб қилган. Куркаларни ёпиқ иншоотларда боқиш бўлмайди. Товуқлардан фарқи равишда улар очиқ ҳавони яхши кўради.

Халқимиз бедана гўшти ва тухумини севиб истеъмол қилади. Сўнгги йилларда нафақат юрти-мизда, балки бутун дунёда беданачиликка ҳам катта эътибор қартилмоқда. Масалан, Японияда 200 йилдан бери беданалар кўпайтириб келинади. Мутахассисларнинг фикрича, беданаларни кўпайтиришга сарфланган харажатлар кўп ўтмай ўзини оқлай-

ди. Беданалар кўнларга қараганда уч баробар тезроқ кўпаяр экан. Бедана тухуми кичик бўлишига қарамай, айни дамда сотилиши бўйича товуқ тухуми билан рақобатлаша олиш даражасига етиб келди. Ҳар кун битта бедана тухумини истеъмол қилган кишининг иммунитетига мустаҳкам бўлиши аниқланган. Унинг тухумидан бир қатор касалликларни даволашда фойдаланилади. Бедана тухумини узоқ вақт сақлаш мумкин.

Тухум етиштириш бўйича энг йирик корхоналар Шимолий ва Жанубий Америкада жойлашган. Бу ҳақда World's Top Poultry Companies ҳисоботида таъкидланади. Тухум етиштирувчи энг йирик 25 та компаниянинг 14 таси АҚШда жойлашган. Лотин Америкасида тухум етиштириш борасида Мексика етакчи ўринда туради. Замонавий паррандачилик фермаларида нафақат гўшт ва тухум етиштирилади, балки ярим тайёр маҳсулотлар ҳам тайёрланади.

Матбуотимизда айрим туманларда туяқушлар боқилаётгани ҳақида ўқиб қоламиз. Мамлакатимизда туяқушчилик мустақиллик йилларида йўлга қўйилди. Ватани Африка бўлишига қарамай туяқушлар Ўзбекистон иқлимга мослашиб қолди ва кўпайиб ишқибозлар орттирди.

Айни дамда туяқуш тухумига қизиқиш ортмоқда. Туяқуш фермасига эга бўлганлар нафақат гўшти ва тухумидан фойда кўришлари, балки қизиқувчиларни страусларни кўрсатиш мақсадида экскурсия уюштиришлари ҳам мумкин. Туяқушнинг битта тухумидан тайёрланган куймоқни 8-10 киши истеъмол қилади.

Юқорида кўрганамизда, бутун бутун дунё аҳолиси паррандачиликка жиддий эътибор қаратмоқда. Озиқ-овқат муаммосини бартараф этишда, қолаверса, бандликни таъминлашда бу энг мақбул йўлдир.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### ЗАРАНГ ШАРБАТИДАГИ МЎЖИЗА

АҚШ олимлари заранг шарбатининг антибиотиклар фаолиятини кучайтирувчи хусусиятини аниқлашди. Бу ҳақда АҚШ кимё жамиятининг 253-Миллий учрашуви ва кўргазмасида маълум қилинди.



Олимлар уч гуруҳга мансуб бактерияларга қарши антибиотиклар ва заранг шарбатининг биргаликдаги таъсирини синовдан ўтказишди. Тажрибадан маълум бўлишича, Канадада кенг тарқалган микробга қарши ушбу модда қўлланилганда, антибиотиклар микдорини 90 фоиз камайтириш мумкин экан. Тадқиқотчиларнинг кузатуви натижасида заранг шарбати таркибидаги модда бактериялар ҳужайралари деворидан антибиотикларни ўтказувчанлиги кучайтириш маълум бўлди.

Мазкур модданинг микробларга қарши хусусиятини ўрганиш жараёнида олимлар унинг онкологик касалликлар профилактикасида ҳам самара бериши мумкинлигини аниқлашди. Айни пайтда модданинг бактериал инфекцияларни даволашдаги роли сичқонларда синовдан ўтказилмоқда.

### САМОЛЁТ-АМФИБИЯ СИНОВГА ТАЙЁР

Хитойлик мутахассислар ишлаб чиқарган дунёдаги энг йирик "AG600" самолёт-амфибиясининг илк синов парвозини шу йил май ойида амалга ошириш режалаштирилмоқда.



Хитой халқаро радиоси маълумотига кўра, биринчи парвоз ер устида ўтказилади. Йилнинг иккинчи ярмида эса "AG600" сув юзасида синов қилинади.

Электр таъминоти, борт, бошқарув тизими ва сувдаги синовларини яқунлади. Шу ой охирида тебраниш бўйича синовларни бошлаймиз ва улар 20 кунча давом этади. Шундан сўнг парвоз санаси самолёт ва учувчиларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлиб қолади, — дея таъкидлади қурилма бош конструктори ўринбосари Ван Чжанлун.

"AG600" сув самолёти ўрмон ёнгинларига қарши кураш ва кўтқарув амалиётлари учун мўлжалланган.

### МУАЛЛАҚ ТУРАДИГАН БИНО КУРИЛМОҚДА

Нью-Йоркнинг "Clouds Architecture Office" меъморчилик бюроси астероидга уланадиган ва осмонда осилиб турадиган баланд бино лойиҳасини ишлаб чиқди. Унинг биринчи қавати коинотда, томи эса Ерда бўлар эмиш, қойилмасиз?



Бино "Analemma Tower" (Аналемма минораси) деб аталади, уни архитекторлар Дубай осмониде қуришни режалаштирмоқда. Йиғиб бўлинган моделлар кабеллар орқали астероидга бириктирилган пойдеворга маҳкамланади. Янги намунадаги бино ҳавода муаллақ туриши туфайли, уни исталган жойда йиғиш ва у учун мўлжалланган бошқа жойга келтириш мумкин, дейди меъморлар.

"Analemma Tower" саккиз рақамини эслатувчи траектория бўйлаб ҳаракатланади. Орбитанинг энг пастки нуқтасида бино Манхэттен устидан ўтади.

Минора коинотдаги ўз асосига ўрнатилган қуёш панеллари орқали қувват олади, суви эса бўлутлар ва ёмғир сувларидан тўплайди.

### ТИШ ПАСТАСИ ЗАРАРЛИ...МИ?

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида АҚШнинг Бингемтон университети олимлари шундай хулосага келишди.



Маълум бўлишича, тиш пастасида титан диоксиди бўлиб, у инсонда саратонни пайдо қилиши мумкин экан. Ушбу модда паста қадоқларида "E-171" номи билан кўрсатилади.

Худди шу модда сақичларда ҳам бор. Инсон организмга тушган титан диоксиди ичакларнинг тўлақонли ишлашига имкон бермайди ва иммунитетни кучсизлантиради. Шу билан бирга, бу модданинг доимий таъсирини ичакнинг ташқи таҳдидларга чидамлилигини пасайтириши ва унинг ялғиланишига олиб келиши мумкин.

Олимлар тиш пастаси ёки сақич таркибида нималар киришини диққат билан ўқишни тавсия этишмоқда. Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, титан диоксиди бир қадар хавфсиз модда ҳисобланади, бироқ унинг хусусиятлари охиригача ўрганиб чиқилмаган.

Интернет материаллари асосида ХАҲМАДЖОНОВА тайёрлади.

# Орзулар мамлақати

## ЖУГРОФИЙ САЁХАТ

Лапландия, Қор маликаси мамлақати — буларнинг бари эртак эмас. Ўзининг ёввойи шимолий табиати билан барчани лол қолдиргувчи эртакнамо Сарек миллий боғи чиндан мавжуд. Эртакнамо боғ дея таъриф берилиши ҳам асли шундан. Баланд тоғлар дейсизми, зиллол сувли дарёларми, улкан музликлару шимол ёғдуси — бари шу диёрда муржасам. Рухий эркинлик ҳиссини туйишни истаган сайёҳ борки, шу ўлка томон орзиқадди, интилади.

Улкан тоғ қўққилари қиялигида бетартиб жойлашган ёштин эко-уйлар, уйлари ўз бағрига олган "Сала Силвермин" номли ноодатий дам олиш маскани ҳам тилларда дoston. Бугун қайси ўлка бўйлаб саёхат қилишимизни аллақачон пайқанганми? Топландиз, бу мақтовлару эътирофлар ўша табиати гўзал, кўчалари тоза-озода Швеция мамлақатига тааллуқли. Чиндан кўпчилик саёҳларга хуш келмайдиган чанг-тўзон, кир-ифлосликлардан йироқлиги сабаб ҳам Швеция яшаш ёки саёхат учун фойдали деб топилган юртлар рейтингига да пешқадим. Бунинг асосий сабаби мамлакатда агро-муҳитни сақлаш учун жорий этилган қонунлардир. Шу боис Швециянинг экологияси ва агро-муҳитни сақлаш кўрсаткичлари 86,3 фоизга тенг.

Швеция қироллиги Шимолий Европада жойлашган. Скандинавия ярим оролининг шарқий қисмидаги ушбу давлатнинг пойтахти Стокгольм шаҳридир. Маъмурий жиҳатдан 24 та губернияга бўлинади. Стокгольм ўн тўрт орол устида бўлиб этилган ва шаҳар маркази амалда сув устида туради. Ушбу мамлакатнинг давлат тузуми консти-

туцияли монархиядир. Унинг амалдаги конституцияси 1975 йилдан кучга кирган.

Давлат бошлиғи қирол бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни рехстаг — бир палатали парламент, ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

Иқлим мўътадил бўлсада, шимолда ҳаво ҳарорати соvuқ. Венерн, Веттерн, Елмарен, Меларен номли машҳур кўллари бор. Худуднинг 57 фоизини ўрмонлар ташкил этади. Мамлакат шимолда ўрмон ҳайвонлари ва сув паррандалари кўп учрайди.

Аҳолисининг 91 фоизини шведлар ташкил этсада, саамлар, финлар, норвеглар ва данлар ҳам истиқомат қилишади.

Швед тили расман давлат тили ҳисоблангани билан туб аҳолининг 89 фоизини инглиз тилида бемалол мулоқот қила олади. Шаҳарликлар 83,1 фоиз бўлиб, асосий қисми — христианлардир.

Қиролнинг туғилган кунини ҳамда Швеция байроғи қабул қилинган сана шведларнинг миллий байрами ҳисобланади.

Швеция — интенсив қишлоқ хўжалигига эга, юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, ёғоч-созлик ва целлюлоза ҳо-



саноати мамлакатнинг етакчи тармоқларидир. Бундан ташқари, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалиги сермахсул бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг 80 фоизини таъминлайди. Ташқи савдогаги ҳамкорлари Германия, Буюк Британия, АҚШ, Норвегия бўлиб, асосан четдан хом ашё, озиқ-овқат моллари ҳамда саноат маҳсулотларини импорт қилади.

Швеция тиббиётини ҳам алоҳида эътироф этиш ҳоми. Аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

Швецияда етти ёшдан 9 йиллик мажбурий таълим жорий этилган бўлиб у уч босқич (3+3+3) дан иборат. Шуниси қизиқки, Швецияда ўрта мактаб ўқувчиларига ҳам ойига 187 доллар миқдорига стипендия тўланади. Мамлакатда ўттиздан ортиқ олий ўқув юрти бор. Уларнинг энг йириклари Упсала ва Стокгольм университетла-

ридир. Нобель мукофотининг ватани ҳам Швеция эканлиги ҳеч кимга сир бўлмаसा керак.

БМТ берган маълумотларга асосланиб, "National Geographic" энг бахтли давлатларнинг рўйхатини тузди. Шубҳасиз, Шимолий Европада Швеция ҳаёт даражаси жуда юқори мамлакат ҳисобланади. Аҳолисининг яхши яшаш сирларидан бири — швед анъанаси саналган "Fika", яъни ишда бироз танаффус қилиб, дўстлар билан қаҳва ичиб, турли хил янгиликларни муҳокама қилишдир. Бундай танаффуслар ҳар икки соатда 15 дақиқадан давом этади. Айтганча, Швеция энг кўп қаҳва ичадиган давлатлар қаторига ҳам кириди.

Ушбу мамлакатда ўзига хос ноодатий қондалар ҳам жорий этилганки, уларни эшитган киши ҳайратга тушибитиб. Жумладан, Швецияда ота-она, агар улар фарзандли бўлса ёки бола асраб олса, пули тўланадиган 480 кунлик таътил-

га чиқиш ҳуқуқига эга. Ёки Швециянинг твиттердаги расмий саҳифаси — @Sweden бошқаруви ҳар ҳафта мамлакатнинг бир фуқаросига "бошқариш учун" тақдим этилади — "бошқарувчи" қуъра асосида аниқланади. Навбатдаги факт барилан-да ҳайратланарли — Швецияда чиқиндисин йўқ, шу сабабли чиқиндиларни Норвегиядан импорт қиладиган ягона мамлакатдир.

Бундан ташқари Швеция ўзининг ноанъанавий меҳмонхоналари билан ҳам сайёҳларни лол қолдирмоқда. Масалан, муздан қурилган меҳмонхона ҳақида ҳеч эшитганимиз?

Яна бир қизиқ дастак: Швеция, Буюк Британия ва Финляндия паспорти билан жаҳоннинг аксарият мамлакатларига визасиз кириш мумкин. Кўёш тизимининг жаҳондаги энг катта макети ҳам Швецияда жойлашган. Бугунги саёҳатимиз давомида орзулар мамлакатини ўз кўзингиз билан бир мартаба бўлса-да, кўришга энтிக்கаннингиз рост. Чунки Швеция ва ундаги фаройиботлар ҳақида эшитган киши борки, шу ўлкага саёхатга отланади.

Гўзал МАЛИКОВА тайёрлади.

ДАВРА СУХБАТИ

МУХБИР: — Истиқлол шарофати билан ўз тарихимизни табаррук манбаларимиздан ўрганиб, Амир Темур бобомизнинг дунё эътирофи эмас ҳарбий ва давлатчилик сийқаси, умуман, теурийлар салтанатига жаҳон шарқшунослари ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. Мухаммадали ака, тарихий мавзуда қалам тебратиб таъриба орттирган ёзувчи сифатида давра суҳбатимизни бошлаб берсангиз. Аслида Соҳибқироннинг Фарб билан Шарқни барлаштириб турган боқий мероси ва тарихий қудратини мадада?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад АЛИ: — Амир Темур тарихи деганда, биргина соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти назарда тутилмай, балки салкам беш юз йил жаҳон майдонида ҳукм сурган, жаҳон харитасига ўзгартиришлар киритган шонли Теурийлар тарихи ҳам англанади. Шу сабабдан, Теурийлар тарихини ўрганиш, уларнинг жаҳон маданияти ва тарихига қўшган ҳиссасини тарғиб этиш зийлиларимиз олдида турган қўлғун вазифалардандир. Амир Темур бобомизни жаҳон тарихида жуда катта хизматлари бор. Европани Ўзбекистон Боязиднинг муқаррар ҳужумидан, Россияни Олтин Урданинг шафқатсиз зулмидан қутқарган буюк саркардлар. Шу сабабдан, Европада Амир Темур даври ва тарихини ўрганишга қизиқиш катта. Францияда «Теурийлар» жамияти ишлаб турибди. Уни машҳур француз тарихчиси ва адиби Люсьен Карэн бошқара эди. У киши Тошкентда бўлганларида, менга Европани халоскор сифатида Амир Темурнинг олтиндан ҳайкали борлигини гапириб берганди.

Толени қарангки, Амир Темур мамлакат ва миллат тақдири учун муҳим бир паллада жаҳон тарихи майдонига кириб келган. Ўз замонасига нисбатан анча илгарилар кетган буюк саркарда бўлган. Милодий 1358 йилдан кейин, яъни Туркистон ҳукмдори Амир Қозоғон (унинг Чингизхон авлодига ҳеч бир дахли йўқ) вафотидан сўнг мамлакатда бошбошдоқлик юз беради. Ҳар шаҳарда бир ҳоким, ҳар қасабада бир сардор ҳукмдорлик қилган. У пайтлар тахтсиз мамлакат эди юртимиз. Бобомиз энг аввало, ўзбошимчи амрларнинг бошини бириктириш йўлидан борди, баҳамжиҳатликка, иноқликка интилди. Бу йўлда вақти, бойлигини аямасди. Донишманд сийқатчи сифатида иш олиб борди. Атрофига хизматдан чармайдиган аjoyиб дўстлари, биродарлари, мардлари йиға олди. Шуниси қизиқки, ҳали Соҳибқирон давлат бошига келмай туриб дўстлашган Амир Сайфиддин некуз, Амир Жокун барлос, Аббос баҳодир, Давлатшоҳ бахши уйғур сингари кўпбал сафдошлари то умрларининг охиригача Соҳибқирон ёнида бўлдилар ва унинг ҳаётида, давлатимиз тақдирида муҳим ўрин тутдилар. Амир Темур ўз салтанатини, давлатчилигини тарихида буюк намуна бўладиган давлатни, айтиш мумкинки, йўқ жойдан барпо этди. Давлатнинг янги қонунларини ишлаб чиқди, бу қонунлар ҳаётнинг талаби билан дунёга келди. Энг муҳими, бу «Теумур тузуқлари» ёдгорлиги. Унда Соҳибқироннинг жангги қандай ташкил қилиш, майдон танлаш, ясал тартиби, қўшинларни жангга киритиш усуллари батафсил ёзилган. Шунини мамнуният билан айтиш керакки, Амир Темурнинг ҳарбий санъати, тарихи, олти юз йилдан бери жаҳон ҳарбий академияларида ўрганилиб келинади. Машҳур француз императори Наполеон ўз юришларида Соҳибқироннинг жанг санъатидан фойдаланган. Дунёда уни машҳур саркардалар Искандар ва Чингизхон қаторига қўйишгани ҳам ҳақиқат. Амир Темур бобомиз илм-фанни ривожлантириш учун имконият яратиб берган ва фан-маданиятимиз жаҳонга машҳур бўлган.

М.: — Султониа епископи Иоани Гринлю ёзиб қолдирган манбаларга қараганда, Соҳибқирон қўрдаган қасрлар икки юздан ортиқ бўлиб, Самарқанд, Кеш, Бағдод, Исфахон ва Шерзода бўлган экан. Қўриб турибдики, Амир Темур бобомиз қадими теккан жойларни обод этган, халқ турмушини яхшилашга ҳаракат қилган. Янелимсам, Тўлқин ака анчадан бери бу борада маҳсус изланишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад АЛИ: — Назаримда, тарихимизнинг энг яхши жиҳатлари ёшларимизга ибрат бўлиши керак. Амир Темур ва теурийларнинг бунёдкорлик ишлари ҳам ҳар жиҳатдан ибратлидир. Бу ҳақида Али Язидий «Зафарнома» асарига айнаган, Хоразм воқеаларига алоҳида тўхталади: «подшолик марҳамати ҳажри 793 (милодий 1391) йили Жаней қавчининг ўлими Муҳаммад Хоразми обод этишга эътибор. У Қоон маҳалласини қўриб қилиб ўрб олди ва обод қилди. Ҳозирги пайтда (XX аср 20-йилларида) Хоразмининг энг обод жойи ўша эрур», дейди. 1381 йилда Хурсонда (ҳозирги Афғонистонда) олиб борган ишлари ҳам тахсинга лойик. Мурғоб водийсида тўхтаган Амир Темур бобомиз барча саркардаларига сув чиқариб, бу ерларни обод этишни буюрди. Ҳофиз Абуру «География» асарида улар томонидан қазилган ариқларнинг номларини бирма-бир санаб ўтади. Аксарият ариқларнинг номлари қазилган ишларда бошчилик қилган саркардаларнинг исмига қўйилган. 1403 йилда Қорабонда қишлоқ Соҳибқирон яна бир хайрли ишни амалга оширди. Бу ерда Байлақон шаҳрини бунёд эттирди. Шу билан бирга, Бағдод шаҳрини қайта обод қилишни буюрган ва бу ишга амрзода Абу Бакр бошқиб этиб тайинланган. Соҳибқирон бобомиз беш, етти йиллик ҳарбий юришларида неча ўн, юз, минглаб сарбозлар, улар

ортдан содиқ ва фидойи хизматкорлари, савдогарлар, дўкондорларни эргаштириб борар, қўчма уйлар, ўтовлар, ошхонаю ас-лаҳоналар, устаконалар, ҳатто масжидлар ҳам қўрирган. Илм аҳли, умуман, қўлдан эзу иш келадиган ҳар бир кишини қарлаган. У мамлакатнинг иқтисодий қудратини ошириш учун ички ва ташқи савдонини ривожлантирган. Буюк ипак йўлини тиклаб, унинг хавфсизлигини таъминлаган. Мовароуннаҳрда хунарманчилик ривожланишига замин яратган. Масалан, ўша пайтларда баҳмалнинг қизил рангли тури кўпбал ишлаб чиқарилган. Кейинчалик бу мато «қирмизи баҳмал» номи билан машҳур бўлиб, юқори табақа вакиллари учун кимҳоб тўнлар тикниша фўдаланишган. Ҳатто элчиларга ҳам шу тўндан кўпбал совға қилинган. Самарқанд бозорларида «фўта» юпқа мато доимий сотувда бўлган. Фарб ва Шарқ мамлакатларида қарбас, занданачи, зарбоф матоларга талаб ниҳоятда ортган. Бухоро яқинидаги Олачабофтан кишлоғида олача матолар тикилган. Қулоччилик буюмлари ҳам Европада машҳур бўлган. Этик-дўзалар турларига қараб бўлинган. Самарқанд бозорларини қўриган Руи Гонзалес де Клавихо: «Бу ернинг бойлиги фақат озиқ-овқатнинг мўл-қўлигида эмас, балки ўзида ишлаб чиқариладиган ипак матолари: атлас, кимҳоб, ҳар хил ип ва жуи, тўқима матолар, мўнали ва ипак пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал, ложеварларнинг сероблигадоир», деб ҳайрат билан ёзади ўз кундалиқларида. Франция киросли Шарл XI (1368—1422 йил)нинг 1403 йил 15 июнда Амир Темурга ёзган мактубларининг бирида: «Биз яна ҳам хурсанд ва мамнун бўдиқки, савдогарларимиз, умуман, барча христиандарнинг Сизнинг мамлакатингизга бориб савдо-сотик ишлари би-приб берганди.

Ўлуғ мерос борисларимиз Буюк саркарга Амир Темур табаллуғига 681 йил тўлиши муносабати билан



лан... бемалол машғул бўлишлари жаноби олийларига маъқул бўлибди.

М.: — Ҳазрат Навоий «Маъжолисун-нафоис» асарларининг еттинчи бобида «Теумур Қўраон сарчи шеър ёзмаса ҳам доим назм ва наср ўқир эди», дейди. Бу муҳаббат Умаршайхдан Қўсаини Бойқаро ва ўғиллариға мерос бўлиб ўтганини эслаиб ўтади. Ҳатто Улуғбекнинг ноқобил ўғли Абуалатиф ҳам шеър ёзган экан. Бугуни бадий асарларимизда Самарқанд ва Хурсон султонлари, уларнинг адабиётга бўлган муносабатлари, бунёдкорлик ишларидан кўра, негандир бир-бирлари билан тахт талашлари, жангу жадаллари ва шаробхўрликларини акс эттиришга иштиёқ баланд. Бу бир ёқлама қарашлар тарихимизни баҳолашда ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шундай эмасми?

Академик Бахтиёр НАЗАРОВ: — Тарихан халқимизни бошқарган подшоҳлар, хонлар, амир ва эмирзодаларнинг жаҳон аҳли ҳавас қилса арзиғуллик фазилатлари кўп бўлган. Шулардан бири уларнинг ахлоқи, одобини, маданияти санъатга бўлган муносабатида намоён бўлган. Хусусан, шеър ва музикий дилбарлик улар табиятидаги етакчи хусусият саналган. Тарихдан уларнинг кўплари шеър ёзгани ҳам маълум. Навоий, Бобур, Амир Умархон, Ферузалари алоҳида такрорлаб ўтиш зарурати бўлмаса керак, деб ўйлайман. Сизнинг юқоридagi фикрингиз ҳам асоссиз эмас. Қўлғина тарихий асарларимизга қарасак, шу ҳолни кўраемиз. Лекин, аксар ҳолларда шундай йўл туттиш ҳам беасос эмаслигини айтишга тўғри келади. Нега? Шунинг учунки, бу ўринда ёзувчининг ўз олдиға қўйган мақсади, деган масалаға эътибор бериш зарур бўлади. Бир мисол келтирай. Яқинда Мухаммад Алининг «Навоий ва Бойқаро» деган драмаси эълон қилинди. Режиссёр Марат Азимов уни Фарғона театрида саҳнаға қўйди. Асарда шоҳ ва шоир ўрта-сидига буюк дўстлиқни тасвирлашдан ташқари, Қўсаини Бойқаро билан ўли — Бадийуззамон ўртасида зимдан тахт учун бўлган курашлар ҳам ўз ифодасини топган. Агар ёдингизда бўлса, Бадийуззамон Сей-

истон, Мозандарон, Астробод ҳокимига эмас, ажабтовур манзуллар ёздаган шоир ҳам. Лекин драматургиянинг асосий мақсади унинг шоирлигини эмас, тахтга ишқи-бозлиғи, бунинг учун жангу жадаллардан қайтмаслигини, шу йўналишдаги қиёфаси, образини кўрсатиш. Чунки Бадийуззамон шу борадаги феъл-атвори, фаолияти билан тарихта таъсир кўрсатган. Шоир сифатидаги фаолияти эса бу даражадаги тарихий аҳами-ётта эга бўлмаган. Бошқа шахзолар, амир-зодаларнинг ҳам ихтимойи, инсоний қиёфасига нисбатан шоир сифатидаги ҳамда санъатта муносабатлари тахминан, шу даражада.

Шеър, маданият ва маърифат фаолиятида алоҳида ўрин тутган, бу борадаги қарашлари ва ижоди ўз даврнинг адабий жараёнида муайян тарихий ўрин тутган, асарлари эса бадий жиҳатдан тарихий эътиборга муносиб вакиллар сиймосига бу борадаги аҳамият эътиборли бўлиб келади ва шундай бўлиши керак, деган фикрингизға тўла қўшилман.

Адабиётшунос олим Аҳмадбек АЛИМБЕКОВ: — Амир Темур ҳақида газал ёзмаса-да, шундай ўқирдики, ёзгандан ортиқ дейилиши бежиз эмас. Амир Темур маънавияти юксак бўлмаганда, буюк бир давлатни адолат билан бошқара олармиди?! Адолат деган сўзға алоҳида эътибор бериш. Соҳибқирон диний билимлари ҳам, дунёвий билимлари ҳам чуқур эгалларидан тарихдан ахши маълум. Ибн Халдуи бу ҳақда Амир Темур билан суҳбатдан сўнг ўзининг ҳайратини ёзиб қолдирган. Амир Темур маърифатли бўлгани учун фарзандларини илм олишиға алоҳида эътибор берган. Илмға, маърифатға эътибор камроқ бўлганда, те-приб берганди.

Агар асир қочиб ўтган бўлса, Амир Темур уни ўзининг душмани деб ҳисоблар экан. Чунки у ўз юртиға хиёнат қилди. Агар ўша аскар жон-жаҳди билан жанг қилган бўлса, уни юртининг ва лашкарбошисининг тузини оқлади, деб ардоқлашни буюрган. Мен ҳам ўтмишимиз, буюк боболаримиз меросини чуқур ўрганиш тарафдориман.

Т.Ҳ.: — Соҳибқироннинг шахсияти, бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритилар экан, ҳали бу тўғрида мукамал тадқиқотлар олиб борилмаганлигини афсус билан қайд этиш мумкин. Унинг биргина, «Кўчма шаҳри» ҳақида Руи Гонзалес Клавихонинг кундалиқларида келтирилган қисқа маълумотлардан бошқа далилларга эъга эмасмиз. Элчи Самарқанддаги хотираларининг бирида шундай дейди: «...хонтатта қаршида эман дарахти шаклидаги «олтин» дарахт турибди... Унинг шоҳларида эман дарахти бареларига ўхшап япроқлар ҳар томонға таралган... Дарахтининг сарғиш, қизил, занғори ёқутлар, зумрадлар, ферузалар ва аjoyиб йирик-йирик тиниқ, думалоқ, сара марваридларидан «мева»лар ҳам бор. Бу қимматли тошлар дарахтға ўйиб ўрнатилган. Дарахтға олтин қўшлар қўниб турибди...». Бу манба бизға яна кўп нарса ҳақида маълумот беради. Демак, Амир Темур замонида олтин қазиб олиш, хунарманчилик жуда тез тараққий этиб, юксак даражаға кўтарилган. Хусусан, олтин хом ашёси бўлган ҳудудларни аниқлайдиган мутахассислар, олтинни алоҳида ажратиб оладиган технологиялар, буни ихтиро қилган хунарманлар бўлган. Олтиндан қўшлар ясаган усталарнинг маҳорати-чи? Уларни тайёрлаган мактабларда қай йўсинда таҳсил берилган? Хуллас, саволлар кўп.

А.А.: — «Зафарнома», «Теумур тузуқлари», «Бобурнома», «Хумоюннома», «Ақбарнома»лардан ташқари, ҳали китобхоналарға етказилиши керак бўлган «...номалар» аниқгина, Шарқшунослик қўлёзмалар институти ва илмий муассасалар кутубхоналарида ўрганилиши лозим бўлган қўлёзмалар бисёр. Шунингдек, турли сабаблар билан хорихта олиб кетилган, бевосита бизнинг маънавий мулкимизға тегишли манбалар ҳам кўп. Буларни аввало, халқимизға ва жаҳон халқларига етказиш учун кўп тадқиқотлар қилиниши даркор. Раҳматли устоз Ҳамид Сулаймон домланинг қилган ишлари ўрнат бўлиши керак. Кейинги йилларда бу борада анча ишлар қилинган бўлса-да, (Масалан: Мирзо Мухаммад Ҳайдарнинг «Тарихий Рашидий», тарихчи Хондамрининг китоблари нашр қилиниши, «Бобурнома»нинг тадбири) бу жуда оз. Илмий экспедициялар уюштириб қарда бўлишдан қати назар, нодир қўлёзмаларимизни ўрганиш, китобхоналар эътиборини тарихий манбаларға тортиш бугунги кунда зийли борган олдиға турган долзарб вазифадир. Мамлакатимизда китобхонлик, китоб ўқиш маданиятиға алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда, бу янада муҳимдир.

Б.Н.: — Бу мулоҳазаларингиз Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг китобхонлик маданиятини оширишга бағишланган маҳсус қарорига дахлдорлиги билан эътиборлидир. Китобхонлик маданиятини ошириш, маънавият ва маърифатни такомиллаштиришда фақат бугунги адабиёт, замонавий асарлар билан чекланиб қолмасдан, олис тарихдаги асарларға ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак. Бу борада сиз санаб ўтган тарихий асарлар ниҳоятда муҳим аҳамиятға эга. Катта ёшдагиларға мўлжалланган бу китобларни айнан, ўзидан ташқари, қай йўсинда бўлмасин — табиқиданми, тавсифиданми ёки қисқароқ шаклидаги номаларини ўрта мактаб ўқувчилари учун мўжжаллаб чоп этиш, уларни мактаб кутубхоналари учун арзонроқ нарҳларда етказиш имкониятларини излаш керак. Чунки Амир Темур ва унинг давриға оид илмий ва бадий асарлар барчани қизиқтиради. Лекин бу асарларнинг кўпи шаҳар бўйлаб китоб дўконларида сочилиб ётибди. Баъзан излаб борган дўконингиздан тополмайсиз. Шунинг учун шаҳарда шундай азим кутубхоналар очайликки, токи у ердан Амир Темур ҳақида, умуман, Ўзбекистон ва бошқа элларда чоп этилган китоблар, таржима адабиётларини топиш имкони бўлсин. Яхши асарларни кўпайтириш, тарғиб ва ташвиқ қилишиға эмас, бундан савэ асарларнинг яратилиши ва оммалашувининг олдини олиш, хорих адабиётнинг маънавиятимиз, маданиятимиз, ахлоқимиз ва миллий анъаналаримизға зарар етказадиган намуналари юртимизға киришини бартараф этиш лозим.

Ҳажонинг қатор қўлёзмалари фондида, ўзимизда сақланаётган тарихий-адабий нодир асарларни ўрганиш, чоп этиш бўйича эътиборли ишларимиз йўқ эмас. Уларнинг айрим юксак намуналарини эътироф этиш билан чекланиш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари Тоқмонидан нашрга тайёрланган Шарқ ва Турон олимларининг инсоният тамаддунида тутган ўрни фундаментал равишда тадқиқ этилган салмоқли китоб катта илмий жамоа меҳнати самаралари ўлароқ майдонга

келган «Бобур энциклопедияси» нашрга тайёрланган. Маҳмуд Қошғари қаламиға мансуб уч йиллик «Туркий сўзлар девони»нинг биринчи жибли ва Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимасидаги Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» китоби ҳам чоп этилган.

М.: — Бугун Амир Темур ва теурийлар ҳақида кўпбал асарлар ёзилапти. Ажаблаларис шундаки, уларни бир-бирлари билан муқоаса қилганда, тарихий саналар, юришларида шу қадар янгилишлар борки, китобхоналарни чалғитиши мумкин. Айтинче-чи, халқимиз ўтмишиға доир тарихни нодир манбаларға асосаниб қалама олинса олим ва ижодкорларимизға нима халақит берипти?

А.А.: — Амир Темур ва Теурийлар ҳақида сўнги йилларда кўпбал асарлар ёзилапти. Буни халқимизнинг тарихға бўлган қизиқиши умуман, аввал ёритилган мавзуларни ўрганишға, тарихдаги «оқ доғ»ларни билишға иштиёқ деб қараш керак. Амир Темур шахси ва теурийлар ҳақида кўпроқ асарлар ёзилиши бу маълум маънода, руҳий эътиёж ҳамдир. Масалан: теурийлардан султон Улуғбек Мирзо, Бобур шахси билан халқимиз қанча фахрланса арзийди. Бундай улуг сиймолар ёшларимизнинг маънавий юксалишида бир ўрнат вазифасини ўтати мумкин. Тарихий мавзуда ёзилган асарлардаги чалқашликларға келсак, бу ёзувчининг тарихий манбаларни пухта ўрганишдан даражаси кўп бал боғлиқ. Тарихий мавзуда асар ёзишға бўлган иждоқ тарихий фактларни яхши билиши ва ўша давр руҳини ҳис қилмоғи лозим. Бадий воқелик билан тарихий воқелик имкон қадар бир-бириға мос келиши керак. Айни пайтда бадий асарға (Амир Темур ҳақида тарихий мавзуда ёзилган бадий асарни) илмий манба сифатида ёндашиб бўлмади. Чунки, бадий асар ўз номи билан бадий. Ўзунинг тарихий воқеликка муносабат билдириши мумкин. Лекин тарихий далилларни бузишға ҳаққи йўқ. Масалан: Амир Темурнинг Ўзбекистон Боязид билан жанг қилганини, бунга ёзувчи ўз фикрини тўғри ёки нотўғри бўлди, деб айтиши мумкин. Аммо голибни мағлуб, мағлубни голиб қўрсатмоқ бўлмайди. Бадий асардаги тарихий фактларни нотўғри талкин қилиниши шунга яраша тасаввур уйғотиши мумкин. Масалан: Марсели Брионнинг Амир Темур ҳақида «ёзган» «Менким, соҳибқирон — жаҳонгир Теумур» китобига киритилган қўшимча бадий тўқималар бутунги кунда у китобни ўқийётган ўзбек ёшларини чалғитиши табиий. Машаққатли меҳнат қилиб бадий пухта асар яратган ёзувчи бу борада муваффақиятға эришиши мумкин.

Т.Ҳ.: — Амир Темур ва теурийлар ҳақида манбалар беҳисоб бўлган бир пайтда китобхонни ишонтири билиш ҳам иждоқдордан катта масъулиятни талаб қилади. Масалан, Ибн Арабшоҳнинг асарини қўлда олган ва илк бор Амир Темур ҳақида ўқиган китобхон «чалғиб» кетади. Унда бир воқеа уч хил кўринишда, яъни Ибн Арабшоҳ ўзи эшитган ривоятни, ўзанинг ҳикоясини ва ўз ҳақиқатини айтиди. Қўрдингизми, асарнинг мураккаблиги, ўқувчининг ўзи бундан ҳаққоний гапни ажратиб олиши керак. Бугун Амир Темур сиймоси бадий асарларимизда тўлиқ акс этмоқда. Китобхоналаримизда Ўзбекистон халқ ёзувчилари Пиримқўл Қодирнинг «Амир Темур сиймоси», Мухаммад Алининг «Улуғ салтанат» асарларини топиб ўқишларини тавсия қилган бўлардим. Ўзим ҳам Амир Темур ҳақида ишонарли, тўлиқ рисола, ҳатто олиб юриш ва ўқиш учун ихчамгина китоб тайёрлапман.

Б.Н.: — Авваламбор, Амир Темур ҳақида бадий асар ёзишни оруз қилган ҳамда ёзишға киришган киши — у тажрибали машҳур ёзувчиси ёки энди адабиётта кириб келаётган ҳаваскор қаламкаши, бундан қати назар, бўйнида катта масъулиятни ҳис эта билмоғи зарур. Бу масъулият эса ўзига муносиб равишдаги иқтидорини талаб этиши табиий. Шу маънода, сизнинг Амир Темур ҳақидаги тарихий тадқиқотларға ҳам, бадий асарларға ҳам тарихий бўлиш нуқтаи назардан ниҳоятда талабчан бўлиш лозимлиги ҳақидаги фикрингизға қўшилман. Бироқ, шунини ҳам айтиш жоизки, мустақиллик давриға келиб, Амир Темурға, унинг даври ва замониға, у билан боғлиқ тарихий шахслар ва ҳодисаларға бағишланган қатор муваффақиятли асарлар яратилди. Турли жанрларға мансуб Одил Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар ёки паривас асири», Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Мухаммад Алининг тўрт китобдан иборат «Улуғ салтанат», Нурали Қобулнинг «Буюк турон амири», «Етти иқлим ҳоқони», «Султоннинг сўнги кўни», Шаҳодад Исахонванинг «Соҳибқирон набиралири» каби асарлардан Амир Темур тарихиға доир бирорта иқтибос олинмиша иккинчи маълумоти мумкин.

М.А.: — Бир адиб дўстим Термизда Соҳибқирон ҳаётиға бағишланган конференция ўтказиб келганимизни эшитиб, «Ҳа, Амир Темур бўйича анча-мунча ишлар қилинди», деб қолди. Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Амир Темур ҳақида чиндан ҳам кўза қўринарли ишлар амалға оширилди. Лекин ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз бундан ҳам кўпроқ. Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири Амир Темур ва теурийлар даври тарихини яна ҳам чуқурлаштиришдан иборат. Соҳибқирон Амир Темур миллат раҳнамоси сифатида таъриф этилаётган экан, тарихимизнинг «олтин даври»ни тарафдор ўрганиш керак. Соҳибқирон таърихдан тарихий асарлар ва илмий тадқиқотларни халқимиз мулкига айлантириш, уларға халқаро тус бериш, илмий кўчаларни барлаштириш, шу кунгача қилинаётган ишларни яна ҳам йириклаштириш лозим. Шунда Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатлар яна ҳам кенгроқ қўламда жаҳон афқор оммасиға етиб боради.

Саҳифани «Hurriyat» мухбири Адиба УМИРОВА тайёрлади.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат таълиқотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат-гранти ажратилган «Ўтмиши улуг халқимиз келажак ҳам буюк бўлади» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.



# АДЛОМАИ ЗАМОН

## МОЗИЙДАН САДО

Шайх Муҳаммадҷон мулло Рус-там ўғли Қўқондий (Мавлавий ҳожи Ҳиндистоний) 1892 милодий йилда Қўқон музофотида қарашли Чорбоғ қишлоғида туғилган. Унинг ота-оналари ҳам илмий, маърифатли кишилар бўлиб, фарзандларининг ёшлик-даноқ илм олишига жиддий эътибор берган.

Ўн тўрт ёшида саводхон ва ҳофизи Қуръон бўлиб етишган Муҳаммадҷон Қўқон ва Бухоро мадрасаларида, сўнгра Балх ва Мозори Шарифда устозлардан сабоқ олади. Сўнгра улуг устозларидан бири қози Мирмуҳаммад Фавс домланинг тавсиялари билан илмини давом эттириш учун Ҳиндистонга сафар қилади. Бу мамлакатнинг Ажир шаҳридаги «Усмония» мадрасасида саккиз йил ўқиб, энг олий шаҳодатномани қўлга киритади.

Илм талабиди, излашида бўлиб, ўн беш йил ота-оналари билан кўришолмайди. Ҳиндистонда ўқиб юрган кезлари иттифоқ поездда ҳаж сафарига йўл олган оталари билан учрашиб қолади ва ҳаж зиёратига у кишига ҳам роҳили қилади. Ота-бола бирга бу улуг ибодатни тўқис адо этиб бўлганидан кейин, тақдир экан, оталари Ҳижозда вафот этади. Падалари бузурворидан ажраб қолган Муҳаммадҷон Ҳиндистонга қайтади ва яна бир йил ўқиб, малласани тамомлайди. Сўнгра отасининг васиятига биноан волидасини зиёрат қилиш учун она юрти Қўқонга қараб равона бўлади. Не-не машаққатлар билан Қўқондаги ҳовлисига келса, оналари ҳам дунёдан ўтган экан. Кейинчалик бу воқеани эслаб: «Ман волидамдан ўн етти ёшда жудо бўлган эканман. Шундан кейин ман кўролмадим, ман келгонида ушаймон едим. Дилимда волидамга хизмат қилолмагонлигимнинг ҳасрати то Қиёмат қолди. Бу жойда гуё мусофирга ўхшаб қолдим», деб афсусналомат чекади.

Ҳиндистонда ўқиб келганлиги ва забардаст олим бўлгани учун домлани «Ҳожи Ҳиндистоний», «Мавлавий Ҳиндистоний», «Ҳожи домулло», «Ҳазрати Мавлавий» номлари билан хурматлашади. Қўқонда туғилгани учун у кишига Қўқондий исбаси ҳам берилган. Унинг юртига қайтиб келгандан кейинги ҳаёти мураккаб бир вазиятда ўтади. Домла ўттиз олти ёшга кирган (1929 йил) вақтда мамлакатда очарчилик бошланган, диндорларга зуғум ўтказилаётган бир давр эди. У киши шу санда икки болали бир бева аёлга уйланади. Ундан кейин ташвишли кунлари бошланади. 1942 йили урушга

Ўрта Осиёдаги юзлаб шогирдлари ҳам устоз изидан бориб, диний барқарорлик ва осейишталликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ислом ниқоби остидаги ноўрин «жиҳод»лардан ташвиш чекялмиз. Чунки, «жиҳод» деган тушунчани нотўғри талқин қилганлар бор. Аммо эътибор берсак, Ҳиндистоний домла ўша пайтлардаёқ дунёдаги маъносиз жиҳодларни, жумладан, Афғонистондаги урушни ҳам қаттиқ танқид қилган.

Ҳиндистоний жуда кўп диний асарларга шарҳлар ёзган. Бироқ унинг энг салмоқли иши ўзбек тилидаги олти жилдан иборат Қуръони каримнинг тафсири бўлган. Ҳиндистоний ушбу китоб «талаба ёшлар ва бу муқаддас китобни тушунишда қийинчиликка учраётган оддий кишилар учун ёзилди», деб таъкидлаганлар. Халқ орасида «Тафсири мавлавий Ҳиндистоний» деб аталадиган 1000 саҳифага яқин китоб 2006 йили оз нусхада «Мовароуннаҳр» нашриётида чоп этилди.

Биз муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яхши китобларни чоп этиш ва китобхонликни тарғиб қилиш таклифларини қўллаб-қувватлагани ҳақида, шунингдек, китобхонларимизнинг диний саводхонлигини ошириш ҳамда соғлом эътиқод руҳида тарбиялашни назарда тутиб, «Тафсири мавлавий Ҳиндистоний»нинг иккинчи нашрини чоп этишни мўлжаллади. Китоб кўп олимларнинг назаридан ўтди. Шарҳу изоҳлар билан янада бойитилди. Бугунги кунда Ҳожи домланинг шогирд ва мухлисларидан бўлган, муфассир ва пешқадам олимларимиздан бири Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари Ҳожи домланинг «тафсир»ларига муфти ҳазрат Усмонхон Алимов билан бирга масъул муҳаррир бўлиб ва ёзган тақризларида жумладан шундай дейди: «...алломаи замон бўлмиш бу зотнинг мураккаб бир вақтларда Қуръони карим таржимасига ҳам вақт топиб, ёзиб қолдирган бу асари биз шогирд ва мухлисларига кўзга суртиб ўқиғулик табарруқ бир ёдгорликдир. ...Ушбу таржиманинг имкон қадар тез чоп этилиб, ихлосманд халқимиз қўлига етиб боришида яратилган тавфиқ тилайман».

Ҳожи Муҳаммадҷон Қўқондий (Ҳиндистоний) 1989 йил охирида юз ёш билан юзлашиб оламдан ўтди. Аллоҳ ўтган барча азиз-авлиёларимизнинг руҳини шод, ватанимизни обод айласин!

**Сайфиддин САЙФУЛЛОХ,**  
филология фанлари номзоди

## БОКС

Спорт ихлосмандларининг эътирозларига сабаб бўлаётган футбол бўйича миллий терма жамоамизнинг нурсиз ўйинларидан кейин юртимиз боксчилари уларни қувонтира олди. Шу кунларда аксарият спорт шинавандлари футболдан кўра яққаураш спорт турларига, аynиқса, боксга мухлислик қилишни ўзларига маъқул кўришмоқда. Ўзбекистон боксчилари дунёда юксак маҳорат соҳиблари сифатида эътироф этилади.



# БОКСЧИЛАРДАН НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Бинобарин, 2016 йил август ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзи олимпиада ўйинларида ўзбек ўғлонлари дунё бокс тарихида алоҳида саҳифа очганликлари ҳам бежиз эмас. Олимпиада шовқинлари узоқламасдан туриб халқаро бокс федерацияси, мамлакат терма жамоалари иштирокидаги мусобақага старт берди.

Бу йилги баҳсларида энг кучли 12 жамоа учта гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашмоқда. Бугунжаҳон бокс серияси (WSB)нинг VII мавсумида «Uzbek Tigers» жамоаси «С» гуруҳида иштирок этишмоқда. Вакилларимиздан ташқари ушбу гуруҳда Хитой клуби «China Dragons», Қозоғистоннинг «Astana Arlans» ҳамда Россиянинг «Patriot Boxing Team» жамоалари иштирок этишяпти.

5-турда «Uzbek Tigers» жамоаси Тошкентда Қозоғистоннинг «Astana Arlans» жамоаси боксчиларини қабул қилди. 31 март кунини Тошкентнинг Grand Mir Hotel меҳмонхонасида «Uzbek Tigers» ва «Astana Arlans» жамоаларининг учрашув олди матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда жамоалар устозлари боксчиларнинг бўлажак баҳса жидду-жаҳд билан рингга чиқишларини таъкидлаганди. Ўша кунлари бокс мухлислари «Ўзбекистон» спорт

мажмуасида Ўзбекистон ва Қозоғистон чарм қўлоқ усталари иштирокида ажойиб беллашувларга гувоҳ бўлишди.

Мазкур жамоаларнинг дастлабки тўқнашувлари, Остона шаҳрида бўлиб ўтган эди. Унда қўшни юрт боксчилари 4:1 ҳисобидан ғалаба қозанишган.

Ушбу мағлубиятдан тўғри хулоса чиқарган мураббийларимиз таркибга олимпиада чемпионлари ва тажрибали боксчиларни киритишди. Шу кунги боксчиларимизни қўллаб-қувватлаш учун «Ўзбекистон» спорт мажмуасига ташриф буюрган мухлислар ҳам ажойиб муҳитни тақдир эттишти. Баҳс аввалидан якунига қадар ишқибозлар боксчиларимизга дадла бўлишти. Спортчиларимиз ҳам спорт мажмуасига ташриф буюрган ишқибозларга бир-бирдан чиройли жанглари намойиш этишти. Жумладан, 64 килограмм вазнда Элнур Абдураимов Дилмурод Мижитовни — 3:0, 56 килограмм вазнда Сапарбай Айдаровни — 3:0, 49 килограмм вазнда Ҳасанбой Дўсмутов — Темиртас Жусупов — 3:0 ҳисобида мағлуб этди. 91 килограмм вазнда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Зухриддин Маҳмамов эса Антон

Пинчукка шу ҳисобда ютқазди. Якуний ҳисоб 4:1. 5-турдан кейин боксчиларимиз «С» гуруҳидан Қозоғистон жамоасидан кейин иккинчи ўринда боришмоқда. Аммо, Россиялик боксчилар ҳам иккинчи ўринга жуда яқин жойлашган. Навбатдаги жанг рус боксчиларига қарши бўлишни инobatта олсак, «Uzbek Tigers» жамоасини қийин жанглр кутаётганини кўзатишимиз мумкин. Бундай принципиал баҳслр эса ишқибозларга катта қувонч ва хурсандчилик улаштири турган гап.

Беллашувлардан сўнг боксчиларимизнинг фикрлари билан ҳам кизиқдик.

— Бу боксчида асосий рақибимиз устидан ғалаба қозонганимиздан хурсандимиз, — дейди Элнур Абдураимов. — Остонадаги дастлабки учрашувдаги мағлубият эҳсон реванш олдик. Қозоғистон ва Ўзбекистон боксчилари принципиал рақиблар ҳисобланади. Қўшниларимиз билан бўладиган жанглрда барча боксчилар фақат ютишга ҳаракат қилади. Бу галги беллашувлр ҳам осон бўлмади. Мураббийларнинг кўрсатмаларини тўғри бажарганимиз учун ғалаба қозондик деб ўйлайман. Спорт саройида бизга мадад бўлган томошабинларга ҳам миннатдорлик билдираман. Бундай нуфузли спорт мусоба-

қаларида тўпланган тажриба ўйлайманки, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган олимпиадада бизга қўл келади. Менинг асосий мақсадим Токио олимпиадасига йўлланма олиб, унда Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилиш.

Таъкидлаш жоизки, «Uzbek Tigers» жамоаси WSB доирасида шу вақтгача 5 марта жанг ўтказди. Ўзбекистон вакиллари аввалига Хитойда China Dragons жамоасидан 2:3 ҳисобида енгилган, кейинги турда Қозоғистонда Astana Arlans жамоасига 1:4 ҳисобида имкониятни бой берганди. Тошкентда бўлиб ўтган 3-тур баҳсида «Uzbek Tigers» Россиянинг «Patriot Boxing Team» жамоасини 5:0 ҳисобида таслим қилди. 4-турда эса Ўзбекистон жамоаси «China Dragons» жамоасидан 5:0 ҳисобида устун келди.

Албатта, бундай йирик турнирларнинг ўтказилаётгани ёш боксчилар авлодининг вояга етишишида ажойиб имкониятдир. Юртимизда эса маҳоратли ва истеъодли боксчилар жуда кўп. Уларнинг маҳоратларини ана шундай жанглрда тоблаб бораёқ, дунё олимпиадаларида Ўзбекистон мадҳияси салоси остида байроғимиз билан дхипирайверади.

Жобир ХўЖАКУЛОВ

# СОЙИБ ХЎЖАЕВ ҲАҶҒОМАЛАРИ

## ЛАТИФ СЎЗЛАР



Бу санъаткорни бугунги авлод «Ёр-ёр», «Чинор остидаги дуэл», «Мафтунингман», «Учрашув» каби машҳур фильмлардаги турфа образлари орқали яхши таниди. Катта авлод вакиллари эса уни театрдаги бир-бирдан қизик, юморга бой роллари туфайли табассум билан эслашади. Хусусан, Муқимий театрида узоқ йиллар давомида саҳнадан тушмаган «Тошболта ошиқ» спектаклидаги бош роли унинг шухратига шухрат қўшган.

Актёрнинг нафақат саҳнадаги, балки оддий кундалик турмушдаги ҳаракатлари, гап-сўзлари ҳам кишида беихтиёр табассум уйғотар экан. Куйида у кишининг шогирдларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шариповнинг хотираларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

## ТАХТА УЧУН ЖАЗО ЙЎҚ

«Тошболта пахта даласида» номи миниатюра телевизир тасмасига ёзилди. Аммо нимагадир белгиланган вақтда эфирга берилмади. Кечқурун Соийб акамлар телефон қилиб қолдилар: — Беговта қилган мен, бу берилмади-ку?! Э телевизирдагилар ухлаб қолдимиз? Ўша пайтлари Соийб акамлар уйдаги қурилишлари ташвишида фақат уйлаганлари тахта эди. Ана шунини эслаб, шумлигим тутди. — Э, уста, бу ёғи чатоқ кетибди, — дедим.

— Нимаси чатоқ кетади? — сўрадилар уста.  
— «Далалар оппоқ пахта» дейиш ўрнига «Далалар оппоқ тахта», деб юборибсиз, қолган сўзларни ҳам эшитинг: «Узоқдан бошларида оппоқ дуррача, эниларида оппоқ қўлақ кийган мисоли тахта Пари келарди. Билақларидан ушладим, оппоқ юмшоқ — тахта...»  
Шунда уста андак жим қолдилар. Кейин гўшакдан овоз келди:  
— Беговта бўлмай қўя қол. Пахта учун қамашарди, тахта учун қамашмайди.

## УРИЦМАНГ, УКА!

Соийб акамларнинг қизик одатлари бор эди, тўйга ё меҳмонга борсалар:  
— Валлоҳу ағлам, аёллар йўқми? Бемалол ечиниб ўтирсак бўлаверадими? — дея сўрадилар. Розилик олган, пайпоқларини ечиб, туфилларининг ичида, шимларини эса ёстиқ остига тахлаб қўйиб, аста-секин ёнбошлардилар. Бир кунни ана шу алтозда ёнбошлаб ўтиргандилар, бирдан даврага таклиф қилиб қолишти. Шоша-пиша чиққан эдилар, ҳовлини гурра-гурра кулги босиб кетди. Нимагадир бу галги кулги одатдигидан бошқачароқ, қучлаироқ эди. Дераздан қарасак, Соийб акамлар давранинг ўртасида бемалол ёнбошлаб ўтирадиган формадаги кийимдалар: бошда дўппи, эниларида кўк нейлон қўлақ, оқ иштон, оёқларида тўй эвасининг ўн бешинчи каллиши. Ҳали гап бошлаганларича йўқ, одамлар атай қиляпти, деб ўйлаб, қотиб-қотиб қулишяпти. Тўйбошини чақириб:  
— Дарров чиқиб, битта чопон кийдиринг, усталарини ёнади! — дедим.  
Тўйбоши топшириқни бажарди. Аммо тўн қургур торлик қилиб, қоринлари очик қолди. Шунда уста баланд овозда дедилар:  
— Валлоҳу ағлам, уринаверман, ука! Худо шундай яратиб қўйгач, уни беркитиш бандасининг қўлидан келармиди?  
(Ҳангомалар «Кулги даргалари» китобидан олинди)

**ЭЪЛОН**  
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, Оқтепа, 20-а уйда жойлашган Абдусаматова Клара Ачиловнага тегишли 15-хонадоннинг уй плани йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Маънавий ҳаёт» журнали жамоаси таҳририят фотомухбири Аҳмад Эргашевга отаси **ТўРА БОБОНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.